



● **Муносабат**

# Миллий маданият ва санъат

юксак кадр топмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Ўзбек Миллий академик драма театри бир асрлик бой тарихга эга. Давлатимиз раҳбари театрининг юз йиллик ривожланиш йўлига назар ташлаб: "Эл-юртимиз бу даврда қандай қийинчилик ва машаққатларни, қувончли ва ташвишли кунларни бошидан кечирган бўлса, уларнинг барчаси ўзбек маданиятининг кўзгуси бўлмиш ушбу театр фаолиятида, унинг саҳнасида намойиш қилинган асарларда ўз аксини топган, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз", дея айтган сўзлари мазкур даргоҳнинг аҳамияти ва қадрини, халқимиз ҳаётида театрининг ўрни нечоғлик юксак эканлигини яққол кўрсатиб беради.

Ўзбек миллий театр санъати бугун ўз тараққиётининг янги даврини бошидан кечирмоқда. Ёш авлодни миллий ғоя, жасорат ва матонат руҳида тарбиялашда театр санъатининг таъсирчан усулларидан самарали фойдаланиш зарурати мавжуд. Бу эзгу сазай-ҳаракатларда театрининг муносиб ҳиссаси бор.

Юртбошимизнинг 2014 йил 22 январдаги "Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори, Миллий театрининг бир гуруҳижодкорларини давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирлаш тўғрисидаги фармони ҳамда театр жамоасига йўллаган табриги юртимизнинг бой маданияти, маънавиятига юксак эътибор ва эътироф намунаси сифатида миллий ўзлик, халқимизнинг улкан маънавий меросини асраб-авайлаш йўлида интилаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоларини янада руҳлантирди. Шунингдек, табриқда қайд этилган театр санъатининг юксак аъзоларини асраб-авайлаш, замона қаҳрамонларини яратиш каби вазифалар партияимиз сайловолди Платформасида белгиланган мақсадларга ҳамохан тарзда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси зиммасига янада катта масъулият юклатиб, бу борадаги ишлар ривожига муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

Ўрол ХАЙИТОВ,  
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

# Юксак мукофот

меҳнати ва лафзи ҳалол сурхон элини руҳлантириб юборди

**Президентимизнинг 2014 йил 22 августдаги фармонида Мувофиқ, Термиз шаҳри Амир Темури ордени билан мукофотланган эди. Бу хушхабар ҳар бир юртдошимиз қалбини гурур ва ифтихорга тўлдириб, янги ва эзгу ишларга руҳлантирди. Давлатимиз раҳбари 28 ноябрь кунини Термизда ушбу юксак мукофотни топширишга бағишланган таътанали маросимда иштирок этди.**

Термиз шаҳри Жайхун бўйида, Буюк илқ йўлида жойлашган қадим шаҳарлардан ҳисобланади. Бу замин ўзининг юксак маданияти, буюк алломалари билан дунё аҳли эътирофига сазовор бўлган. Истиклол тўғрисида Термизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар таниб бўлмаган даражада ўзгарди. Шаҳримиз бўйлаб замонавий иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, янги мактаб, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари қурилиб, аҳоли ихтиёрига топширилди. Бу эса сурхондарёлик кексаюёшни эзгу ишларга ундамоқда, янги марраларга чорлаётди.

Термиз шаҳри Жайхун бўйида, Буюк илқ йўлида жойлашган қадим шаҳарлардан ҳисобланади. Бу замин ўзининг юксак маданияти, буюк алломалари билан дунё аҳли эътирофига сазовор бўлган. Истиклол тўғрисида Термизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар таниб бўлмаган даражада ўзгарди. Шаҳримиз бўйлаб замонавий иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, янги мактаб, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари қурилиб, аҳоли ихтиёрига топширилди. Бу эса сурхондарёлик кексаюёшни эзгу ишларга ундамоқда, янги марраларга чорлаётди.

Таълим соҳаси вақили сифатида шуни қувонч билан айта оламаники, сурхондарёлик ёшлар нималарга қодир эканини бутун дунёга намойиш этишмоқда. Таълим, фан, маданият, санъат йўналишларида ёшларимиз юксак натижаларга эришмоқда. Жаҳон ареналарида виолетимизнинг кураги ер кўрмаган полвонлари ва спортчи ёшлари Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, юртимизга шода-шода медаллар

билан қайтишмоқда. Тарихи ва бугунги эътирофга лойиқ воҳамиз фарзандлари аждодларга муносиб воҳис бўлишга интиломоқда.

Шаҳримиз аҳлининг турли соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстликни ривожлантириш, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларни улуг аждодларимизга хос қадриятлар, ватанпарварлик, жасорат руҳида тарбиялаш борасида эришган ютуқлари учун шаҳримиз бундай юксак мукофотга лойиқ кўрилгани, ғоя ва мақсадлари шунга ҳамохан бўлган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сурхондарё вилоят Кенгаши фаоллари ва депутатларини ҳам қувонтирди. Бу унутилмас воқеа эса вилоятимиз аҳли хотирасида бир умрга сақланиб қолиши, барчамизни янада юксак марралар сари ундаши шубҳасиз.

Шоҳида АРИПОВА,  
халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат

● **Ҳуқуқ ва бурч**

— **Партиядан депутатликка номзод сифатида кўрсатилган шахс номзодликдан воз кечиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, бу ҳолатда қандай йўл тутилади?**

Зилола Адазова,  
Фаргона вилояти Бешарик тумани

— Ўзбекистон Республикасининг амалдаги сайлов қонунчилигида халқаро сайлов андозаларига оид асосий принципларнинг барчаси имплементация қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов қонунчилигида сайловларнинг эркинлиги принципи мустаҳкамлаб қўйилган. Унга мувофиқ, фуқароларнинг сайловда иштирок этиши эркин ва ихтиёрийдир. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди, ҳеч ким уларнинг муайян номзод учун "тарafdор" ёки "қарши" овоз беришга мажбур этиш ҳуқуқига эга эмас. Худди шунингдек, ҳеч ким сайловчи-фуқарога уни сайловда иштирок этишга ёхуд иштирок этмасликка мажбурлаш мақсадида таъсир ўтказишга, шунингдек, ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин ифода этиши учун мажбурлашга ҳақли эмас. Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг Конституция, ушбу Қонун ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунининг яширин овоз бериш деб номланган 5-моддасига кўра, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди.

Бюллетenni белгилаш пайтида овоз бериш ҳонасида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Бундан ташқари, мазкур Қонуннинг 31-моддаси депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этиш, депутатликка номзодликдан воз кечиш деб номланади. Унга мувофиқ, сиёсий партия у ёки бу шахсини депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қол-

ганда бекор қилиш ҳуқуқига эга. Ана шундан кейингина бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиш мuddати тугагунга қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида тақлиф қилиши мумкин.

Бундан ташқари, муайян сиёсий партия фаолиятининг тугатилганлиги депутатликка номзодни шу партиядан сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этилишига олиб келади.

Ўқорида таъкидлаб ўтилган, сайловларнинг эркинлиги принциpidан келиб чиққан ҳолда бизнинг сайлов қонунчилигимизда депутатликка номзод сайловга қадар истаган вақтда номзодликдан воз кечиши мумкинлиги белгиланган, бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилиши талаб этилади. Бирок бу ерда масаланинг бошқа маънавий-ахлоқий жиҳатлари мавжуд эканлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Чунки ҳар бир партия депутатликка номзодни ўзининг энг сара вакиллари тандайди ва уларга сиёсий курашда катта умид боғлайди. Бу эса, ҳар бир номзоддан мазкур сиёсий жараёнда бекум қўст фаол иштирок этиши, аввало, ўзи ва партияси манфаатларини собиқлик билан ҳимоя қилиши, сиёсий курашда қонун йўл қўйган ҳар қандай воситалардан фойдаланишини, голиб чиқиш учун астойдил интилишини талаб этади. Ана шундай нуқтаи назар билан қаралганда депутатликка номзод сифатида кўрсатилган шахсининг номзодликдан воз кечиши, нафақат ўша шахс обрўси ва нуфузига, қолаверса, бундан ташқари, мазкур Қонуннинг 31-моддаси депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этиш, депутатликка номзодликдан воз кечиш деб номланади. Унга мувофиқ, сиёсий партия у ёки бу шахсини депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қол-

Саволларга ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Акмал РАҲМОНОВ жавоб берди.

● **Қонунчилик палатасида**

# Конституция — демократик принциплар ифодаси



(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Тадбирда фракция раҳбари Улугбек Муҳаммадиев истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган туз ислохотларнинг юксак самараси, улкан марраларга эришишимизда мустақил ҳаётимизнинг муҳим ҳуқуқий асоси, тинч-осуда, фаровон турмушимизнинг мустаҳкам кафолати бўлган Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил тараққиёт йўлида эришган барча натижалар, хусусан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланиши, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши асослари вужудга келиши ва ривожланиши Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларнинг изчил амалга оширилиши натижасида қўлга киритилди.

— Президентимиз таъкидлаганидек, Конституция чин маънода аждодларимиз тафаккурининг махсулидир. - деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Акмал Саидов. — Юртбошимиз раҳбарлигида Конституциянинг ҳар томонлама мукамал, содда ва аниқ бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Конституцияимизнинг барча моддалари дунёда умумэтироф этилган тамойиллар, халқаро ҳуқуқ нормалари ва бошқа қатор халқаро ҳужжатлардаги умуминсоний принципларга ҳамохангидир. Шу боис, Бош қомусимиз жаҳон миқёсида юксак эътироф этилиб келинмоқда. Биргина мисол, Конституцияимизнинг 12-моддасида Ўзбекистон халқи, яъни халқ тушунчаси ўз ифодасини топгани ва бу жиҳат дунёдаги ҳеч бир Конституцияда учрамадигани, Бош қомусимизнинг аҳамиятини янада оширишга хизмат қилди, - деди депутат.

Халқимизнинг сиёсий донолиги ва тафаккури махсули бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, Ватанимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, бугунги ёш авлод қамоли, улар эришяётган муваффақиятлар замирида ҳам Конституция ва қонунлар муҳим ҳуқуқий кафолат бўлаётганлигини қайд этиш лозим. Ҳозирги даврда мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етув ва барқарор инсон сифатида тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Тадбирда эътироф этилганидек, Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий мақсади ёш авлод вакиллари-нинг ҳар томонлама шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидорини тўла-тўқис рўйбга чиқариш учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни кафолатладан иборатдир.

Ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилиниши, Парламент томонидан қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилиниши. "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртаси-



да назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида" ва "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари шулар жумласидандир.

1992 йил 9 декабрда яъни, Конституцияимиз қабул қилинган куннинг эртасигаёқ "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция Ўзбекистон қўшилган инсон ҳуқуқларига оид дастлабки халқаро ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, 2008 йилда болалар ва ёшлар ҳуқуқларига оид бир қатор халқаро ҳужжатлар Ўзбекистон парламенти томонидан ратификация қилинган. Бир сўз билан айтганда, ёшларимизнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган сиёсат изчил амалга оширилмоқда.

Хусусан, Конституцияимизнинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, энг муҳими, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги алоҳида белгилаб қўйилган. Ва бу нормалар ҳаётда амалий аҳамият касб этмоқда. Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида умумтаълим мактаблари учун 2004-2009 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилди ва у ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилди. Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида 8500 дан зиёд мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилган.

Таъкидланганидек, жорий йилги сайловда 20 миллиондан ортиқ фуқаро иштирок этадиган бўлса, шундан 2 миллиондан кўпроғи биринчи марта бу муҳим сиёсий жараёнда қатнашадиган ёшлардир. Қолаверса, мамлакатимиз аҳолисининг 60

фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, уларнинг сиёсий фаоллиги, масъулиятини ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, давра суҳбатига ёшларнинг овози Ўзбекистоннинг бугуни ва эртасини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифалари сифатида белгиланган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Партиянинг сайловолди Платформасида маънавий-маърифий соҳадаги вазифаларида ёшлар масаласи устувор ўринни эгаллагани ЎЗМТДПнинг мамлакатимиз бугуни ва эртанги кунига бўлган юксак ишончи ифодасидир.

Ана шу каби эзгу мақсадлар йўлида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда унинг фракцияси томонидан қатор сазай-ҳаракатлар амалга ошириб келинаётганлиги қайд этилди. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни барқарор ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида амалий ишлар қилинаётгани таъкидланди.

Давра суҳбатига партия "Ёшлар қаноти" фаоллари ҳам мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди ва иштироқчиларни қизқитириган саволларга жавоблар берилди.

**Абдуғафур МАМАТОВ, фракция аъзоси:**

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига бир қатор муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини янада демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг амалий ифодасидир. Мазкур жараёнда сиёсий партиялар янада фаолроқ бўлишлари, ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатишлари муҳим аҳамиятга эга. ЎЗМТДП фракцияси ва партия "Ёшлар қаноти" томонидан ташкил этилган бугунги тадбир ҳам ёшларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги, маданиятини юксалтиришга, сиёсий жараёндаги иштирокини янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

**Ҳамидулло ЗИЁЕВ, Тошкент давлат юридик университети 3-босқич талабаси, партия "Ёшлар қаноти" фаоли:**

— Бугунги давра суҳбатига фракция аъзолари томонидан Конституцияимизнинг яратилиш тарихи, Конституция ва сайлов, сайловда ёшларнинг иштироки ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Бу, ўз навбатида, билимларимизни янада оширишга ёрдам берди. Қолаверса, сайловда биринчи марта иштирок этаётган фуқаро сифатида Ўзбекистоннинг эртанги кунини қандай бўлишига менинг овозим ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини теран англадим. Конституцияимизда мустаҳкамлаб қўйилган фаол сайлов ҳуқуқидан фойдаланиб, бевосита давлат бошқарувида иштирок этамиз. Халқаро демократик тамойилларга мос Конституцияимиз биз ёшларга ана шундай имкониятлар берганидан фахрланамиз.

Умида УЗОҚОВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

• Ҳуқуқ-семинар

## ЎЗМТДП — сайлов арафасида

сайловолди ташвиқоти: тенглик — асосий мезон

(Давоми.  
Бошланиши 1-бетда)

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши эса миллий сайлов тизимининг босқичма-босқич либераллашувида, сайловларни умумэтироф этилган халқаро нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Сайловда қўйилган натижага эришиш, аввало, сайловолди ташвиқотининг нечоғлиқ тўғри ва самарали ташкил этилишига боғлиқ. Сайлов кампанияси даврида амалга оширилган ва сайловчиларни депутатликка номзод ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган маъруза фаолиятининг турлари, шакл ва усуллари ҳам турлича бўлиб, улардан қонун талаблари доирасида фойдаланиш талаб этилади.

Тадбирда сайловолди ташвиқотини олиб боришда муваффақият гарови эканлиги исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир. Шу боис, сайловчиларни партиянинг сайловолди Платформаси ҳамда ЎЗМТДП мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқаришга қодир, билимли, ғайрат-шижоатли, эл-юрт манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйувчи номзодларимиз билан таништириш галдаги энг долзарб вазифага айланган. Партияларро кучли соғлом рақобатни таъминлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ, сайлов қонунчилигимизда сайловолди ташвиқотида алоҳида эътибор қаратилиб, унинг мазмун-моҳияти аниқлаштирилиши ҳамда турлари, шакл ва усуллари белгилаб берилиши мазкур сиёсий кампанияда иштирок этувчи партиялардан сайловчиларнинг манфаатларини янада чуқурроқ ўрганиши, жойлардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича аниқ ва пухта таклифларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилоят ҳудудий бўлини маси томонидан ЎЗМТДП Хоразм вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган семинар-тренингда шу ҳақда сўз борди. Тадбирда партия шаҳар ва туман Кенгашлари раислари, депутатликка номзодлар иштирок этиб, сайловолди ташвиқотини олиб бориш усуллари тўғрисида фикр алмашишди, улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифларини билдиришди. Чунончи, ташвиқот нафақат телевидение-радио ва даврий босма нашрлар орқали, балки интернет имкониятларидан фойдаланилган ҳолда ҳамда плакат ва баннерлар орқали ҳам амалга оширилиши лозим.

Тадбирда таъкидланганидек, вилоят партия ташкилотлари номзодларнинг сайловчилар билан бўладиган учрашувларини талаб даражасида ўтказишга



\*\*\*

Самарали олиб бориладиган ташвиқот сайловда муваффақият гарови эканлиги исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир. Шу боис, сайловчиларни партиянинг сайловолди Платформаси ҳамда ЎЗМТДП мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқаришга қодир, билимли, ғайрат-шижоатли, эл-юрт манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйувчи номзодларимиз билан таништириш галдаги энг долзарб вазифага айланган. Партияларро кучли соғлом рақобатни таъминлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ, сайлов қонунчилигимизда сайловолди ташвиқотида алоҳида эътибор қаратилиб, унинг мазмун-моҳияти аниқлаштирилиши ҳамда турлари, шакл ва усуллари белгилаб берилиши мазкур сиёсий кампанияда иштирок этувчи партиялардан сайловчиларнинг манфаатларини янада чуқурроқ ўрганиши, жойлардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича аниқ ва пухта таклифларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилоят ҳудудий бўлини маси томонидан ЎЗМТДП Хоразм вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган семинар-тренингда шу ҳақда сўз борди. Тадбирда партия шаҳар ва туман Кенгашлари раислари, депутатликка номзодлар иштирок этиб, сайловолди ташвиқотини олиб бориш усуллари тўғрисида фикр алмашишди, улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифларини билдиришди. Чунончи, ташвиқот нафақат телевидение-радио ва даврий босма нашрлар орқали, балки интернет имкониятларидан фойдаланилган ҳолда ҳамда плакат ва баннерлар орқали ҳам амалга оширилиши лозим.

Тадбирда таъкидланганидек, вилоят партия ташкилотлари номзодларнинг сайловчилар билан бўладиган учрашувларини талаб даражасида ўтказишга

алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, қонунчилигимизда сайловолди ташвиқоти даврида хайрихоҳларни қўлайитириш мақсадида уларга текин ёки имтиёзли нархларда товарлар тарқатиш, хизматлар кўрсатиш каби қонун ва демократия тамойилларига зид, аслида сайловчиларни қалбгадан ҳаракатларнинг таъкидланган мамлакатимизда партияларро рақобатнинг кучайиши, сиёсий партияларнинг халқ манфаатлари йўлида қонун билан белгиланган барча имкониятларни ишга солган ҳолда изчил ҳаракат қилишини таъминлайди.

**Фаррух ЮСУПОВ,**  
**ЎЗМТДП Янгиариқ туман**  
**Кенгаши раиси ўринбосари:**

— Сайловчилар билан учрашувлар бошқа сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар билан баҳс-мунозара тарзида олиб борилса, сайловчиларда партия ва номзоднинг салоҳиятини баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Баҳс-мунозараларда ўз ҳаётий қарашлари, партиявий позициясини аниқ ифода қилиш бера олган номзод сайловчи ишончини қозониши шубҳасиз. Шу боис биз сайловолди дебатларига жиддий тайёргарлик билан чиқишимиз керак. Номзод нотўғри мақорати ва билимидан ташқари ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ барча маълумот ва ахборотларга эга бўлиши лозим.

Сайлов — сиёсий партиялар ҳамда улар томонидан кўрсатилган номзодлар ўртасидаги чинакам рақобат жараёни саналади. Бунда ҳар бир сиёсий партия нисбатан кўп овоз олиш учун интилади. Сайловолди ташвиқоти сайлов кампаниясининг энг муҳим палласидир. Унда сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодларнинг имкониятлари сайловчи ҳузурда тўлиқ намоён бўлади, имиджини шакллантиради, янада очикроқ айтганда, уларнинг

сайловдаги тақдирини хал қилади, улар ўртасидаги кизгин рақобат жараёнини таъминлайди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси билан ҳамкорликда ўтказилган ўқув-семинарда ана шулар хусусида сўз борди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашда дастуриламал бўлмоқда. Концепцияга асосан, 2012 йилда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида”ги қонун ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларда сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг турлари ва усуллари мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўқув-семинарда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун ва моҳияти, сайловолди ташвиқотини ташкил этиш турлари, шакл ва усуллари, хусусан, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш, босма, кўргазмали, аудио-визуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сиёсий технологиялар ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳақида батафсил маълумот берилди.

Маърузаларда сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби ва усуллари оид ҳуқуқий нормалар мазмуни, бу босқичда қўлланилиши мумкин бўлган сиёсий технологиялар, ўтган сайловларда сайловолди ташвиқотини олиб бориш жараёнида сиёсий партиялар томонидан амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар борасидаги фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Гулноза МУСТАФОЕВА,**  
**ЎЗМТДП Тошкент шаҳар**  
**Кенгаши матбуот котиби:**

— Семинар қизиқарли ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Унда сайловолди ташвиқотидан фойдаланиш тартиби, жумладан, сайловчилар билан баҳс-мунозаралар, оммавий ахборот воситалари иштирокида матбуот конференциялари ўтказиш усуллари, депутатликка номзод ҳамда сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган материалларни тайёрлаш ва тарқатиш усулларида қонун доирасида фойдаланиш имкониятлари ҳақида батафсил тушуنча ва маълумотларга эга бўлди. Шунингдек, сайловолди ташвиқотини амалга оширишда депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга давлат томонидан оммавий ахборот воситаларида эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши тартиб ва меъёрлари ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**  
**Алишер РАҲМОН,**  
**Шоҳида ДАМАНОВА,**  
**“Milliy tiklanish” мухбирлари**

• 2014 йил — Соғлом бола йили

*Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, нафисроқ авлодни миллий ва умумбаъшарий қадриятлар, она Ватанга муҳаббат, истиқлол юзларига садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

## Китоб — муҳим тарбия воситаси

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида ўғил-қизларнинг эстетик диди ва тафаккурини юксалтириш, уларни маънавиятимизга ёт ва зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Китоб бу борада кучли тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига бағишлаб ўтказилган тадбирда шулар ҳақида сўз борди. Унда соҳа мутахассислари, ёзувчи ва шoirлар, маънавий тарғиботчилари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда нашриёт муассасаларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган китоблар нашр этишга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди.

Жорий йилнинг ўн ойи давомида компания томонидан 30 миллиард сўмлик босма маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121 фоизни ташкил этади. Мазкур компания томонидан 77 номдаги газета ва ўнлаб журналлар чоп этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган йигит-қизларни вояга етказиш, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Нашриёт томонидан мазкур қарор ҳамда “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида қатор ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий китоблар, дарсликлар, альбомлар, босма маҳсулотлар чоп этилди. Мутахассисларни қайта тайёрлаш, уларнинг касб малака ва маҳоратини юксалтириш, ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш, бозор талаби ва эҳтиёжини пухта ўрганиш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш доимий эътиборда.

Нашриёт томонидан ўтган даврда “Кувноқ ҳарфлар”, “Кувноқ рақамлар”, “Кувноқ алифбо”, “1001 бошқотирма”, “Қизиқарли математика”, “Она фоз эртақлари”, “Инглизчани ўрганиш”, “Болажон” каби қўлланмалар, “Аср ошган асарлар”, “Жаҳон саргузашт адабиёти” туркумилида бадиий адабиётлар босмадан чиқарилди. Мазкур китоблар ёшларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб камолга етказиш, уларнинг китобга меҳрини оширишга хизмат қилади.

Тадбир доирасида янги босмадан чиққан адабиётлар тақдими ҳам бўлиб ўтди.

**Барно МЕЛИКУЛОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

• Жараён

*Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида Конституциямиз асосида мамлакат сайлов тизимини тартибга солувчи нормаларни ўзда акс эттирган қатор қонунлар қабул қилиниб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга мос равишда тақомиллаштирилиб борилаётган. Айниқса, бу жараён давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида янада жадаллашди.*

Айтиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилган изчил, босқичма-босқич ислохотлар натижасида демократик талабларга ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланишга оид конституциявий ҳуқуқи кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилди. Хусусан, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси сайлов тўғрисида”, “Халқ депутатлари, шаҳар ва туман Кенгесла-

рига сайлов тўғрисида”ги қонунлари бу борада муҳим ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Сайлов жараёнида амалдаги қонун талабларига оғишмай ва сўзсиз риоя этилиши талаб қилинади. Сайловларни ўтказишда қонун ҳужжатларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жавобгарлик кўрсатилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146-моддасида сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов, референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришининг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум

## Сайлов қонунчилигида қатъий риоя этиш

барчамизнинг вазифамиз

ҳужжатларини қалбақлаштириш, сайлов ёхуд имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш ҳаракатлари учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларга мувофиқ, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 147-моддасида фуқароларнинг депутатли сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка номзод шахсининг ишончи вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишлари, шунингдек, фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўқсинлик қилиш ҳаракатлари учун жавобгарлик кўрсатилган.

Жорий йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-

дексига қўшимча “Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” номли 8 моддадан иборат V боби киритилди.

Ушбу моддаларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралаштириш, шунингдек, уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтириш (51<sup>2</sup>-модда), Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, худди шунингдек, уларнинг мувожадатларини қўриб қиқиниш гайриҳуқуқий равишда рад этиш, уларни қўриб чиқиш мuddатларини узрли сабабларсиз бузиш (51<sup>3</sup>-модда), номзоднинг, ишончли вакилнинг, қузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш (51<sup>4</sup>-модда) маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланди. Шунингдек, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда сайловолди ташвиқотини, референдумга

қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибининг номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузиш (51<sup>5</sup>-модда), сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлгон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш (51<sup>6</sup>-модда), биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш (51<sup>7</sup>-модда), сайловолди ёки референдумни молиялаштириш тартибининг бузиш (51<sup>8</sup>-модда), жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, шунингдек, сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибининг бузиш (51<sup>9</sup>-модда) га нисбатан жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 12 майдаги

“2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастури тўғрисида”ги қароридан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Тошкент давлат юридик университети, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, сиёсий партиялар билан биргаликда сайловчиларга, айниқса, биринчи мартаба овоз берувчиларга, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг вакилларига сайлов қонунчилиги асосий қондаларининг мазмуни ва моҳиятини, сайлов кампаниясининг барча босқичларида ушбу қондаларга қатъий риоя этилиши зарурлигини тушунтириш ишлари топширилган.

Сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонунчилик талабларига сўзсиз риоя қили-

ниши талаб қилинади. Сиёсий партиялар, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этадиган барча ташкилий тузилмалар ўртасида қонунчилик меъёрларига қатъий риоя қилиш зарурати хусусида тушунтириш ишларини олиб бориши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тобора оз фурсат қолмоқда. Мамлакатимизда сайловнинг қонунчиликда белгиланган тартибда, ушқоқлик ва юқори савияда ўтишида ҳар бир фуқаронинг бурч ва масъулияти нечоғлиқ муҳим бўлиб ўтади. Шундай экан, юртимизнинг истиқболи ва фаровонлигини белгилайдиган мазкур муҳим сиёсий жараёнда барчамиз фаол иштирок этишимиз лозим.

**Ботир МАТМУРАТОВ,**  
**ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси**  
**Кенгаши раиси,**  
**юридик фанлари номзоди,**  
**доцент**

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

# Мангу барҳаёт мерос

ёшларни аждодларга муносиб бўлишга ундайди

**“Сиз бахтли авлодсиз. Сизга ҳавасим келади. Тинч ва осуда, сўзал замонда шаянпсиз. Бебаҳо қадриятларимиз, шонли тарих ва мутафаккир болаларимиз билан фахрлиб, бема-лал бутун дунёга кўз-кўз қила olasiz. Бир пайтлар фарзандларимизга сўзлаб беришга ҳам ботина олмаганимиз халқ қаҳрамонли — Алпомни, қатағонга учраган не-не ёзувчи-шоирлар, олимлар бугун ёшларнинг миллий ифтихорига айланди”.**  
Бу — Жиззах вилоятининг чекка қишлоғида яшовчи 90 ёшли момонинг дилидаги армонлари.

ролик, ҳамкорлик, ўзаро хурмат ва эътибор, меҳр-оқибат, ватандошларимизнинг тобора юксалиб бораётган дунёқароши, онгу тафаккури, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ҳамда фаоллигида намойён бўлишининг эътирофи эътиборимиз ҳам бежиз эмас.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Ўзбекистон англаш тарихини билшидан бошланади”. Дарҳақиқат, тарихни билмасдан туриб, ўзликини англаб бўлмайди. Юртимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида буюк аждодларимиз ҳаёти, ижоди ва фаолиятини тўла тадқиқ этиш, улар асарларидаги энг гуяларни ёш авлод онгига синдириш, уларни бой тарихимизга эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўҳна тарихимиз, халқимизнинг бой маънавий мероси, миллий давлатчилигимиз, азалий урф-одат, қадрият ва анъаналаримиз қайта тикланиб, янгича мазмун ва моҳият касб этаётгани, жаҳонга танилаётгани, дунё тан олаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Тарихи минг йилларга бориб тақалувчи қадимий шаҳарларимиз, Амир Темури, Жалолитдин Мангуберди, Алишер Навоий, Бурхониддин Марғиноний, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Мирзо Бобур, Мирзо Улугбек сингари буюк давлат арбоблари ва алломаларимиз юбилейларининг халқро микёсда нишонлангани қалбимизни гурури ва ифтихорига тўлдирди.

Президентимиз шу йил 15-16 май кунлари Самарқандда бўлиб ўтган “Урта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқро конференцияда буюк аждодларимизнинг илмий мероси фақат

оқаётган, маънавияти юксак халқни ким енга олади? Бугун дунёда аждодларимизнинг сўнмас даҳосига кўрсатилаётган эҳтиром, улардан куч олиб амалга оширилаётган илмий излашлар кундан-кун ортиб бормоқда. Бунинг исботини яратилаётган рисола, монографиялар, илмий тадқиқот ишларида, шунингдек, уларга қўйилаётган ёдгорликлар мисолида кўришимиз мумкин. Бельгияда Ибн Сино, Латвияда Ибн Сино ва Мирзо Улугбек, Япония, Россия ҳамда Озарбайжонда Алишер Навоий, Мисрда Аҳмад Фароний хайкаллари ўрнатилгани фикримиз далили бўла олади.

Ўзбек халқи бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият воясига етган буюк алломалар, олимлар ривожига ҳақон илмларини ривожига беқизи ҳисса қўшган. Мустақиллик шарофати билан хоризжда буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Президентимиз конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида ёшларга мурожаат қилиб, уларни буюк аждодларимиз билан фахрлилашга, гуручларимизга ҳақдор бўлишга, айна вақтда бобоклонларимизнинг бебаҳо меросини янада бойитишга муносиб ҳисса қўшиш кераклигини таъкидлади. Зеро, буюк инсонларга муносиб бўлишга, улар бонлашган ишларни ривожлантиришга интилиш ёшларни камолотга етаклайди. Президентимизнинг бу даъвати ёшларга алоҳида масъулият юклайди. Тарихни ўрганиш, улугвор тарих воқеликларини англашдан асосий мақсад — ўтмишдан шунчаки маълум бўлиши эмас, ундан сабақ олиш, хулоса чиқариш ҳамда замон олдимизга қўяётган вази-

## Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 11 боб, 49-модда

бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, янги кашфиётлар учун манба бўлишини таъкидлади. Урта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий мероси чуқур таҳлил қилиниб, замонавий цивилизация ривожидagi ўрни ва ролига муносиб баҳо берилди.

Гарбда нур Шарқдан таралади деган ҳақиқати бор. Аждодларимизнинг математика, физика, кимё, астрономия, этнография, тиббиёт, ахлоқ ва фалсафа каби кўплаб соҳаларга оид асарлари бутун башариётнинг маънавий мулкига айлиниб улгурган. Бугун бутун дунё учун сув билан ҳаводек зарур бўлган ҳисоблаш амалларини яратган Мухаммад Мусо Хоразмий, ўрта асрлар буюк комусий олимларининг пешқадами Абу Райҳон Беруний, буюк астроном, математик ва географ олим Аҳмад ал-Фароний, астрономия илмида шухрат қозонган ал-Фаробий, жаҳон тамаддунига буюк илмий кашфиётлари билан муносиб ҳисса қўшган Мирзо Улугбек, тиббиёт илмининг тамал тошини қўйган комусий олим Ибн Сино каби кўплаб аждодларимиз қолдирган бой маънавий мерос ҳали ҳамон ўз қадр-қимматини ўйотмай, жаҳон ахлининг ҳайратини оширмоқда.

Мамлакатимиз тарихи жуда бой ва бетакрор. Буюк аждодларимиз даҳоси, улар яратган илмий-маънавий мерос ҳақида қанча кўп билсак, уларнинг моҳиятини тереңроқ англайверсак, миллий гуруримиз шу қадар юкли манфаатларимиз, миллий маънавият билан ҳамоҳанг қадриятларимиз мавжуд. Президентимиз табрик сўзларида ҳам халқимиз йигирма уч йил бошларида қўлга киритаётган марралар тинчлик, осойишталик, барқа-

фаларни ҳал қилишда буюк аждодларимизнинг улкан тарихий маънавий меросидан баҳра олиб, унга муносиб бўлишга интилишдан иборат. Партиямиз Дастурида белгиланган халқимизнинг бой тарихи, маданий-маънавий меросини асраб-авайлаш ва ўсиб келаётган ёш авлодга бекаму-кўст етказиш борасидаги мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, Президентимиз томонидан илгари суринган гуяларни кенг тарғиб қилиш, хусусан, юксак маънавият — энгилмас куч гуясини амалга ошириш борасида муайян сазй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. “Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир”, “Миллий ўзликини англаш — келажакка йўл очади”, “Миллий тикланиш — миллий ўзликини англаш демакдир”, “Барқарорлик ҳисоблаш амалларини яратган Мухаммад Мусо Хоразмий, ўрта асрлар буюк комусий олимларининг пешқадами Абу Райҳон Беруний, буюк астроном, математик ва географ олим Аҳмад ал-Фароний, астрономия илмида шухрат қозонган ал-Фаробий, жаҳон тамаддунига буюк илмий кашфиётлари билан муносиб ҳисса қўшган Мирзо Улугбек, тиббиёт илмининг тамал тошини қўйган комусий олим Ибн Сино каби кўплаб аждодларимиз қолдирган бой маънавий мерос ҳали ҳамон ўз қадр-қимматини ўйотмай, жаҳон ахлининг ҳайратини оширмоқда.

Мамлакатимиз тарихи жуда бой ва бетакрор. Буюк аждодларимиз даҳоси, улар яратган илмий-маънавий мерос ҳақида қанча кўп билсак, уларнинг моҳиятини тереңроқ англайверсак, миллий гуруримиз шу қадар юкли манфаатларимиз, миллий маънавият билан ҳамоҳанг қадриятларимиз мавжуд. Президентимиз табрик сўзларида ҳам халқимиз йигирма уч йил бошларида қўлга киритаётган марралар тинчлик, осойишталик, барқа-

Мамлакатимиз тарихи жуда бой ва бетакрор. Буюк аждодларимиз даҳоси, улар яратган илмий-маънавий мерос ҳақида қанча кўп билсак, уларнинг моҳиятини тереңроқ англайверсак, миллий гуруримиз шу қадар юкли манфаатларимиз, миллий маънавият билан ҳамоҳанг қадриятларимиз мавжуд. Президентимиз табрик сўзларида ҳам халқимиз йигирма уч йил бошларида қўлга киритаётган марралар тинчлик, осойишталик, барқа-

## Тадбир

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Наманган вилоят Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ЎзМТДПдан кўрсатилган номзодлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари иштирок этишди.**

Семинардан кўзланган мақсад, жорий йилнинг 21 декабрида Парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловда муносиб иштирок этиш, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, ЎзМТДПнинг ваколатли вакил, кузатувчи ҳамда ишончли вакил институтидан фойдаланиш амалиётини шакллантириш ва мустақамлашга қўмаклашидир.

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда сайлов тизимини шакллантириш, халқро ҳуқуқининг умум эътирофи билан талаб ва стандартларига мослаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинаётимиз. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илгари суринган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қўриқтириш ҳақида”ги қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ сайловда ташвиқотини олиб бориш турлари, шакл ва усуллари мустақамланди.

# ЎЗМТДП сайловда муносиб иштирок этади!

— Доимий тарзда ўтказилаётган ана шундай ўқув-семинарлар партиямиз электорати ва фаолларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий билимларини мустақамлашга хизмат қилмоқда, — дейди ЎзМТДП вилоят Кенгаши раиси Одикул Мамадалиев. — Бугунги семинарда ҳам партия ташкилотларининг сайловда муносиб иштирок этишини таъминлаш, ЎзМТДП гуяси, дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишда замонавий ва самарали усуллардан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Зеро, сайловда тарғиботининг юқори савияда ташкил этилиши сайловчилар ишончини қозонишининг муҳим шартидир.

Семинарда “Сайловга тайёргарлик жараёнининг муҳим омиллари”, “Сайлов ва депутатлик амалиётининг самараси ва мақсади” мавзуларида маърузалар тингланди.

## Ислом Йўлдошев, ЎзМТДП Мингбулуқ туман Кенгаши раиси:

— Сайлов жараёнининг энг муҳим ва масъулиятли босқичларидан бири — сайловда ташвиқотидир. Зеро, сиёсий партияларнинг сайловда муваффақиятга эришиши кўп жиҳатдан сайловда ташвиқотини нечоғлик фаол ва самарали ташкил этилишига боғлиқ. Айна дамда биз худуддаги ҳар бир участкада белгиланган режа асосида сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиб бормоқдамиз. Бу эса жойларда партиямиз гуяларини қўллаб-қувватловчилар сонининг ошишига ёрдам бермоқда.

Сайловда иштирок этиш юксак масъулиятни талаб қилади. Олтинқўл туманидаги агроиктисодий коллежда ўтказилган тадбир ана шу жараёнга шай турган сайлов округ ва участкаларида иш олиб борувчиларнинг билими ва масъулиятини ошириш, уларни янада уюшқоқлик билан фаолият юритишга ундаш мақсадига қаратилди.

Тумандаги 42 та сайлов участкасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланадиган депутатлар учун овоз берувчи қарийб 109 минг сайловчи бор. Уларнинг 10 минг нафардан ортиги бу йил биринчи марта сайловда иштирок этади. Шунинг учун ҳам мазкур худудда сайловчилар ишончини қозониш вакилик органларидан кўпроқ ўрин эгаллашимизга замин яратади. Шу мақсадда бугунги кунда икки минг плакат, икки юздан зиёд ижтимоий-сиёсий тарғибот адабиётлари, паннолар сайлов участкаларига етказиб берилди.

Тарғибот-ташвиқот ишларида сайлов участкаси жойлашган муассаса ва идоралар яқиндан ёрдам бермоқда. Бунинг учун, фаоллар мактаб ва коллежлардаги биринчи марта овоз берувчи ёшлар иштирокида тадбирлар ўтказишмоқда. Уларга партияларнинг Низом ва Дастурлари, сайловдаги Платформалари, номзодлар ҳақида маълумотлар беришмоқда.

— Мен бу йилги сайловда биринчи марта овоз бераман, — дейди Олтинқўл иқтисодий-сиёсий ўқувчиси Зарина Расулова. — Ўзим “Миллий тикланиш”

демократик партияси аъзосиман. Сайловчиларнинг ўз хоҳиш ва иродалари холис намойён бўладиган сайловда партиямиз номзодларига овоз бермоқчиман. Муҳими, ижтимоий-сиёсий жараёнда меннинг ҳам ҳиссам бўлишидан фахрланаман. Партиямиз аъзолари бўлган устозларимнинг депутатликка номзодлар сафидан ўрин олгани эса янада қувонарли.

## Шукрилло ИКРОМОВ: Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 10-Олтинқўл округ сайлов комиссияси раиси:

— Сайловда ташвиқоти айна пайтда қизгин паллага кирган. Партиялар ва улар кўрсатган номзодлар сайловдаги Платформаларини аҳолига кенроқ тўшунтиришга ҳаракат қилишмоқда. Оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланишга интилишмоқда. Аҳоли гавжум жойлар ва кўчаларда реклама баннерлари жойлаштирилган. Бу гаги сайловда ташвиқотида ҳар бир партия ёшлар фаолиятига жиддий эътибор қаратишмоқда. Буни барча партияларнинг янги сайловдаги Платформасида ёшлар билан боғлиқ масалаларга катта эътибор қаратилганидан ҳам сезиш кийин эмас. Шу боис, нақсон авлод вакиллари сиёсий жараёнга ўзгача руҳ, ишонч ва иштиёқ билан муносабат билдиришмоқда.

## Азамат ҚОСИМОВ ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши матбуот қотиби Замира РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” муҳбири

## Блиц-интервью

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов жараёни тобора қизгин палласа кирмоқда. Айна пайтда қуйи палата депутатлигига номзодлар рўйхати матбуотда расман эълон қилинди ҳамда партиялар учун ўта муҳим синов даври — сайловда ташвиқоти бошланди.**

Сайловда ташвиқоти сайлов кампанияси даврида амалга оширилаётган ва сайловчилар депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият ҳисобланади. Миллий сайлов қонунчилигимизга кўра, сайлов куни ва овоз бериш бошланганига бир кун қолганида сайловда ташвиқотига йўл қўйилмайди.

Сайловда ташвиқоти даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловчиларни ўз келгуси фаолият дастурлари билан таништирилади. Уларнинг сайловда муваффақиятга эришиши кўп жиҳатдан сайловда ташвиқотининг нечоғлик фаол ва самарали ташкил этилганига боғлиқ. Табиийки, сайловчи номзодлар орасидан ўзи муносиб деб тоналганига овоз беради. Бунда номзоднинг имиджи масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, номзод имиджини шакллантириш, унинг ўзига хос хусусиятларини сайловчиларга таништиришда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш керак?

## Улугбек ЖАЛМЕНОВ, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Жаҳон тажрибаси ва миллий амалиётдан келиб чиқиб, шунингдек, йилдан-йилга сайловчиларимизнинг сиёсий ҳуқуқий онги ўсиб бораётганини эътиборга олсак, номзод имиджини шакллантириш долзарб масаласи бўлади. Бундан ташқари, номзод образини яратадиган аҳамиятли белгилари йиғиндисини аниқлаштириш, сайловда ташвиқоти номзоднинг имиджини оширишга йўналтирилиши керак.

# НОМЗОД ИМИДЖИ

## қандай шакллантирилади?

таҳлил қилиши лозим. Шунингдек, бу жараёнда ишончли вакил институтидан самарали фойдаланиш номзоднинг имкониятларини янада кенгайтиради. Ишончли вакил одамлари номзодни ёқлаб овоз беришга чақиритиш, ундаши, уларнинг фикрига таъсир эта олиши муҳим аҳамиятга эга.

## Одина ОТАЖОНОВА, психологик фанлари номзодини, Камолитдин Бехзод номзодини Миллий рассомчилик ва дизайн институти доценти:

— Депутатликка номзоднинг имиджини шакллантиришда унинг психологик жиҳатдан тайёргарлиги муҳим аҳамият касб этади. Айнакиса, номзод сайловчилар билан юзма-юз бўлишдан аввал қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиши лозим бўлади. Бу — ўзига бўлган ишончини мустақамлаш, аудитори талабларини ҳисобга олиш, қимлар билан сўбатлашадиганини англаш, жимжимадор сўзлардан қочиб, фикрни оддий ва лўнда ифодалашга интилиш каби хусусиятларда ўз аксини топади. Шунингдек, ўз вазифаси, партия сайловдаги дастури ҳамда аҳоли турмушини яхши билиши, хабардорлиги одамлар ишончини қозонишда муҳим ўрин тутаети.

## Турдикул БОБОМУРДОВ, 127-Қорақамиш сайлов округ комиссияси раиси ўринбосари, Тошкент давлат тиббиёт академияси Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори:

— Имидж ижобий ва салбий бўлади. Номзод эса ўзининг ижобий имиджини шакллантиришга интилиши лозим. Шунингдек, ўзи номзод сифатида кўрсатилаётган худуднинг ижтимоий-сиёсий ва руҳий ҳолатидан аниқ хабардор бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг ўрганишининг усулларида бунинг ижтимоий сўровлар ўтказишдир. Номзод имиджи шу жиҳатдан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши ҳамда унинг илгари сураётган дастури ҳам шу худуд

хусусиятларига ҳамда аҳолининг талаб ва интилишларига мос келиши керак.

## Дилбар РАШИДОВА, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девокни бўлим бошлиғи:

— Депутатликка номзод одамларни мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлардаги иштирокини янада фаоллаштиришга ундаши, ҳақиқий фуқаро ва ватанпарвар инсоннинг чинаякам манунаси бўлмоғи керак. Сиёсати ўзига тўлиқ ишонган ҳолда, қандай гуя учун курашаётгани, унинг жамиятга кўрсатадиган ижобий таъсири ва бу йўлда унинг тарафдорлари ким эканлигини яхши англаб етиши муҳим ўрин тутаети. Бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан самарали ишлар амалга оширилиб, марказ ҳамда худудларда номзодлар билан учрашувлар, тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда номзодлар имиджини шакллантириш борасида муҳим тавсиялар берилаётгани эътиборга молик.


## Отабек УМРҚУЛОВ, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетини талабаси:

— Сайлов пайтида энг муҳим масала сайловчи билан номзод ўртасидаги муносабатдир. Ўйлаيمانки, ана шу боғлиқлик очик, ошқора тарзда ташкил этилиши лозим. Аҳоли ўз орзу-интилиши, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида мақсад-муддасларини айнан шу номзод Қонунчилик палатаси ёки маҳаллий Кенгашларда ифода эта олишига ишончини керак. Бунинг учун номзодлар имиджини аввалдан шакллантириб бериш ёки тайёр номзодлар захирасидан фойдаланиш яхши самара беради.

Бир сўз билан айтганда, номзоднинг имиджи тарқатиладиган ахборотнинг мазмуни ва коммуникация оқимини назорат қилиш орқали шакллантирилади. Мақсад — сайловчиларга партия, номзод, уларнинг гуялари ва платформаси тўғрисида ахборот бериш ҳамда уларда номзодни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган фикр, баҳо, ишончини шакллантиришдир.

ЎзМТДП номзодлари тарғиботида мана шу жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратилгани сайловда муваффақият таъминлашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## Умидо УЗОҚОВА, “Milliy tiklanish” муҳбири



## ЎзМТДП номзодларига овоз беринг!



**Икромжон  
Чориев**

1979 йилда Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида туғилган. 2000 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Мутахассислиги - ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. ЎзМТДП аъзоси.


Икромжон Чориев меҳнат фаолиятини 1999 йил "Тафаккур" журналдан бошлаган. 2001-2006 йилларда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "O'zbekiston" телерадиоканали" давлат унитар корхонаси "Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқти-



**Мамлакат  
Суяровна  
Тўдаева**

Масъуляти ҳамда шарафли касбини танлаб халққа чин дилдан хизмат қилаётган, эл саломатлиги йўлида билим ва тажрибасини аямаётган, фидойи шифокор Мамлакат Тўдаева 1957 йилда Сурхондарё вилоятининг Денов туманида туғилган. 1980 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Мутахассислиги — шифокор. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Мамлакат Тўдаева иш фаолияти-



**Насиба  
Мирзараймовна  
Ҳамдамова**

— Маҳалла ўзбек халқининг энг юксак кадрларидан биридир, - дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Сароисий туман бўлими раиси Насиба Ҳамдамова. — Айниқса, фуқаролар йиғинларида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ижтимоий шерикчиликни йўлга қўйиш, оилаларни янада мустақамлаш бу-



**Хурсанд  
Қайумовна  
Эшназарова**

Касбларнинг энг улуғи ва шарафлиси ўқитувчиликдир. Устозни бежиз инсон руҳининг инженерига ўшатишмайди. Инсоннинг вояга етиши, мукамал шахс этиб тарбияланишида ўқитувчининг хизмати бекиёс.

Хурсанд Эшназарова 1987 йилда Тошкент давлат университетини битирган. Мутахассислиги - ўзбек

## Фаол тарғиботчи

содий дастурлар" бош муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси, бўлим бошлиғи, бош муҳаррир ўринбосари, "Маданий-маърифий ва бадиий-дам олиш дастурлари" бош муҳарририяти бош муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррири лавозимларида самарали фаолият юритди.

Икромжон Чориев ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислохотлар, иқтисодий жабҳада эришилаётган муваффақиятлар ҳақида ҳам туркум кўрсатувлар тайёрлади. Жумладан, "Зафар муборак, азиз ғаллакорлар!", "Зафар муборак, азиз пахтакорлар!", "Тараққиёт солномаси", "Келажакка пойдевор", "Эътироф", "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" каби кўрсатувларида мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар самараси, "ўзбек модели"нинг асосий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари, янгиланишлардан кўзланган пировад мақсад инсон манфаати, унинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлашдан иборатлиги бош мавзуга айланди.

Икромжон Чориев "O'zbekiston" телерадиоканали давлат унитар корхонаси директорининг биринчи ўрин-

босари вазифасини бажарувчи сифатида телерадиоканал фаолиятини сифат жиҳатидан янгилаш, бугунги давр ўзгаришларини кенг жамоатчиликка етказиб беришга қаратилган янги дастур ва лойиҳаларни яратиш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш устида изланишлар олиб борди. Бу ЎзМТДП дастурда белгиланган оммавий ахборот воситаларининг миллий ғоя тамойилларини тарғиб этишдаги ролини ошириш, ҳар бир фуқаро онгига мамлакатимизда озод ва обод ҳаёт барпо этиш - бош мақсадимиз эканини сингдиришга хизмат қилади.

Икромжон Чориев 2010 йилда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-ҳуқуқий мавзудаги туркум кўрсатувлари учун "Олтин қалам" V Миллий мукофоти халқаро танловининг совриндори, 2013 йилда "Шухрат" медалига сазовор бўлган.

Оилали, икки фарзанднинг отаси.

**Икромжон Бўриевич Чориев 73-Шўрчи сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Эл ардоғидаги шифокор

ни 1980 йилда Денов туман марказий шифохонасида интернатурани ўташдан бошлаган. 1981-1992 йилларда Денов туман марказий шифохонаси болалар поликлиникасида, туман болалар шифохонасида врач-педиатр, 1992-2008 йилларда йилларда Денов туман марказий поликлиникасида врач-травматолог, 1996-2008 йилларда Денов туман марказий шифохонаси бош врачининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари, 2008 йилдан ҳозирга қадар Денов туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Мамлакат Тўдаева моҳир шифокор, тадбиркор ва ташаббускор раҳбар сифатида нафақат Денов тумани балки Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари орасида ҳам хизматга сазовор. Унинг болалар соғлиғини муҳофаза қилишининг тиббий жиҳатлари бўйича илмий ишланмалари тиббиёт ходимлари орасида эътироф этилган.

— ЎзМТДП янги сайловолди Платформасида жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол янги авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, соғлом ва мустақам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишларга қўмақлашиш устувор мақсад-вазифалардан бири эканлиги белгиланган. Касбим бевосита аҳоли саломатлигини сақлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ. Шу боис, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайлансам, ана шу йўналишдаги партия мақсад-вазифаларини амалга ошириш ниятидаман.

Оилали, икки фарзанднинг онаси.  
**Мамлакат Суяровна Тўдаева 74-Денов сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Қадриятлар — бебаҳо бойлик

гунги куннинг долзарб талаби саналади. Мен ҳам ўз фаолиятимда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли бандчилигини таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишга алоҳида эътибор қаратиб келаяпман. Зеро, мамлакатимизнинг нури останаи маҳалладан бошланади.

Насиба Ҳамдамова 1971 йилда Сароисий туманида туғилган. 1995 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тугатган. Мутахассислиги — инженер-конструктор. ЎзМТДП аъзоси.

Насиба Ҳамдамова дастлаб ўз фаолиятини туман "Ғунча" маиший хизмат кўрсатиш корхонаси кадрлар бўлими бошлиғи сифатида бошлаган. Сўнгра "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими раисининг оила ва хотин-қизлар йўналиши бўйича бош мутахассис вазифасида меҳнат қилди.

2012 йилдан Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси бошқаруви аъзоси ҳамда тумандаги "Аф-

росийё" маҳалла фуқаролар йиғинининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси вазифасида жамоатчилик асосида фаолият юритиб келмоқда.

Насиба Ҳамдамова, айниқса, маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш, кўп асрлик бебаҳо урф-одатларимиз ва анъаналаримизни асраб-авайлаш борасида бир қатор самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.

Насиба Ҳамдамова иш фаолияти давомида меҳнатсеварлиги, жамоатчилик ишларидаги фаоллиги билан ажралиб туради. У тиришқоқлиги ва ташаббускорлиги, етакчилик қобилиятига эга эканлиги билан аҳоли эътиборини қозongan.

Оилали, икки фарзанднинг онаси.  
**Насиба Мирзараймовна Ҳамдамова 75-Сароисий сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Шогирдлар камоли — устоз бахти

тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. ЎзМТДП аъзоси.

1982-2012 йилларда Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 14-мактаб ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишлади. Ҳозирги вақтда мазкур мактабнинг директори сифатида ёшларга таълим-тарбия бермоқда.

2006 йилда "Шухрат", 2010 йилда "Дўстлик" ордени билан мукофотланган. Илғор педагог ва моҳир раҳбар сифатида янги педагогик технологиялар асосида ёш авлоднинг ҳар томонлама етук инсон қилиб қилинмоқда.

Мактабда дарсларнинг янги педагогик технологиялар асосида ташкил этилгани, фан ва спорт тўғрисидаги ўқувчиларнинг мунтазам шуғулланиши натижасида улар туман ва вилоят фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Мактаб сўнги йил-

ларда туманда рейтинг кўрсаткичи бўйича юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

— Фаолиятим давомидаги тажрибамдан келиб чиқиб, партияимиз сайловолди Платформасида белгиланган оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини олиш учун олиб борилаётган тарғибот ишларида хиссамни қўйиш мақсадида ўз олдимга бир қанча вазифаларни қўйдим, - дейди Хурсанд Эшназарова.

Хурсанд Эшназарова 2011 йил "Йил ўқитувчиси" кўриқ-танловининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб, "Энг фаол ўқитувчи" номинацияси голиби бўлган.

Оилали, икки фарзанднинг онаси.  
**Хурсанд Қайумовна Эшназарова 76-Узун сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Улуғбек  
Кидиралиевич  
Тўхтаев**

1974 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Тошкент вилоят давлат педагогика институтини (1996 й.) тамомлаган. Мутахассислиги - педагог. ЎзМТДП аъзоси.



**Даврон  
Раҳимович  
Арипов**

1974 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 2000 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1992 йилда Учтепа туман судининг суд мажлиси котиблигидан бошлаган. 1997-

## Жонқуяр раҳбар

Меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган Улуғбек Тўхтаев ҳозирги кунда Охангарон маиший хизмат кўрсатиш касб-хуна коллежи директори.

— Халқимизнинг турмуш тарзи, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси ҳаётининг обод ва фаровонлигини, уларнинг турмуш маданиятини янада ошириш, жумладан, ёшларга ҳар томонлама гамхўрлик кўрсатиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг доимий диққат-эътиборида бўлиб келган, - дейди Улуғбек Тўхтаев. - Айниқса, коллеж битирувчиларини иш билан банд этиш масаласида, ёшларнинг бизнес лойиҳаларини амалга ошириши учун имтиёзли банк кредитлари ажратилишида ЎзМТДП доимо хайрихоҳ, яқин қўмақдош бўлиб келмоқда.

Улуғбек Тўхтаев ёшларга таълим-тарбия бериш баробарида ўз били-

мини ошириш устида ҳам тинмай изланади. Ана шу интилишлари самараси ўларок, у 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясининг кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсида тахсил олди. Ўз билимини қайта синовдан ўтказиб, бошқарув маҳорати, сиёсий-ижтимоий фанлар билимдонлиги сифатида тажриба тўплади. У ёшларни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, таълим тизимидаги янгилик ва ислохотларга ўз хиссасини қўйишни мақсад қилган.

Оилали, уч фарзанднинг отаси.  
**Улуғбек Кидиралиевич Тўхтаев 77-Ангрен сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Адолат — асосий мезон

2003 йиллар давомида Учтепа туман суд ижрочилири бўлиб ишлаган, 2003 йил жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг судьяси лавозимида тайинланган.

Даврон Арипов 2013 йилдан ҳозирга қадар жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судьяси лавозимида ишлаб келмоқда.

Билим савияси ва дунёқароши кенг, қонунларни яхши биладиган ва уларни амалиётга тўғри татбиқ қила оладиган, суд тизимида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган, катта амалий тажрибага эга ҳуқуқшунос. Меҳнат фаолияти давомида бир неча мартаба жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раҳбарияти томонидан фахрий ёрлик билан тақдирланган.

Иш юритувида бўлган жиноят ишларини ўз вақтида, сифатли ба-жариб, асосли, қонуний ва адолатли қарорлар чиқариб, одил судловни

амалга оширишга ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

— Мамлакатимизда тобора ривожланаётган демократлаштириш жараёнлари инobatга олинган ҳолда миллий қонунчилик янада такомиллаштирилмоқда, - дейди Даврон Арипов. — Номзодим сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайлансам, парти-янинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги халқимизнинг қадриятларига ҳамоҳанг мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, бу борадаги қонунчиликнинг янада такомиллашувига хисса қўйишни мақсад қилганман.

Оилали, беш фарзанднинг отаси.

**Даврон Раҳимович Арипов 78-Бекобод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Фуқаролар манфаати — доимий эътиборда

тармоқларида тижорат, техниқ, диспетчер, юридик шахслар муҳандиси, раҳбар ўринбосари каби лавозимларда ишлаган. 2010 йилдан 2013 йилгача "Тошкент электр тармоқлари" очик акциядорлик жамияти электр энергия ва молия масалалари бўйича директор ўринбосари, 2013 йилдан ҳозирги кунгача мазкур жамият директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Фикрат Каримжонов мунтазам ривожлантириш, электр тармоқлари корхонасига бириктирилган Қўрай энергетика касб-хуна коллежи ўқувчиларининг амалиёт ўташи учун барча шариот яратилган бўлиб, уларнинг назарий билимларини мустақамлашга ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

— Энергия таъминоти тармоғини мунтазам ривожлантириш, электр узатиш линияларининг узатувчанлик қобилиятини кучайтириш ҳамда трансформаторли кичик станция-

лар қувватини ошириш, истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади, - дейди Фикрат Каримжонов. — Вилоятда электр энергиясини ишлаб чиқариш, ундан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўз хиссамни қўшаётганимдан, шу касбни танлаганимдан хурсандман. Агар депутат этиб сайлансам, партияимиз сайловолди Платформасида белгиланган аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини ошириш, уй-жой қурилиши инфра-тузилмасини қўллаб-қувватлаш, шуниингдек, электр энергиясини таъминоти билан боғлиқ ҳуқуқий ба-зани янада такомиллаштиришга ҳаракат қиламан ва бу орқали аҳоли ва партияимиз электорати манфаатларини химоя қилишга ўз хиссасини қўшмоқчиман.

Оилали. Тўрт фарзанднинг отаси.

**Фикрат Азизжонов Каримжонов 79-Бўқа сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ёшлар билан ҳамнафас

ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими мудир лавозимида ишлаб келмоқда.

Зебо Саманова 2003-2004 йилларда ўз меҳнат фаолиятини "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент ширкати Кенгаши референти вазифасидан бошлади. 2004-2005 йилларда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент ширкати Кенгаши олий ва ўрта-маҳсус таълим муассасаларидаги ёшлар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси, 2005-2006 йилларда эса "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти Кенгаши хотин-қизлар, оила ва саломатлик масалалари бўйича бош мутахассис вазифасида да-во м эттирди.

Зебо Саманованин ёшлар билан ҳамқадамлиги партия Платформасида таъкидланганидек, ёшларни миллий ғоя, жасорат ва матонат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Зебо Саманова 2011 йилда Ўзбекистон болалар жамғармаси ҳамда ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган

"Ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор" лойиҳаси, таълим муассасаларидаги "Мунозара" дебат клубларига услубий ёрдам кўрсатувчи тренерларни тайёрлаш бўйича ташкил этилган ўқув-семинарларда иштирок этиб, жамғарманиннг сертификати билан тақдирланган. Унинг ташаббуси билан вилоятнинг Ангрен ширкати, Юқори Чирчиқ, Янгийўл, Қўрай туманлари ҳамда вилоят Кенгаши қошида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорларини намоиш этишга қўмақлашиш мақсадида 2011 йилда "Илк қадам" тўғраги ташкил этилди. Ушбу тўғаракка шеърятга қизиққан 250 нафардан ортик ёшлар қилб этилди ҳамда уларнинг ижод намуналари газета ва журналларда чоп этиб келинмоқда.

Оилали, икки фарзанднинг онаси.

**Зебо Сайфиддиновна Саманова 80-Бўстонлик сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Наима Абитовна Хашимова**

1967 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1989 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи-муҳандис. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси. Наима Хашимова ўз меҳнат фаолиятини 1989 йил "АСАТ" (Транспортларни автоматлаштириш тизими) илмий-тектириш институтида иқтисодчи лавозимидан бошлаган. 1991 йилдан 1998 йилга қадар Ўрта Осиё Ирригация илмий тектириш институтида кичик илмий ходим, 1998 йилдан 2006 йилгача Тошкент давлат

## Интилганга толе ёр

техника университети катта ўқитувчиси, кафедра доценти бўлиб фаолият юритган. 2006 йилдан 2009 йилгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази докторанти.

Наима Хашимова иқтисод фанлари номзоди. 2004 йил микроиқтисодий мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. У ўнлаб ўқув кўлланимлари ҳамда 50 га яқин илмий мақолалар муаллифидир.

Наима Хашимова ҳозирги кунда "Иқтисодий механизмлар ва қишлоқ хўжалик машина қурилишидаги потенциал инвестициялар инновацион ривожланиш шароитида" мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арасида турибди.


— Юртимизда навқирон авлоднинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, таълим сифати ва мазмунини давр руҳи билан ҳамоҳанг тарзда йўлга қўйиш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда, —

дейди у. — ЎзМТДП ҳам бу борада янги сайловолди Платформасида навқирон авлоднинг руҳий-маънавий дунёсини ва маданий савиясини ўстириб бориш, уларни биринчи навбатда, китобга муҳаббат, миллий тикланиш гоёси, миллий маданият ва қадриятларни эъозлаш руҳида тарбиялаш, ёшларда тарихий мерос ва халқ аънаёларига меҳр, ҳурмат-эҳтиром уйғотишга кўмаклашишни устувор вазифалардан бири этиб белгилади. Фаолиятини бевосита ёшлар таълим-тарбиясига қаратилгани боис, сайловолди дастури орқали ана шу йўналишдаги ўзимнинг тақлифларим, ташаббусларим билан чиқишни ният қилдим.

У янгиликка интилувчанлиги ва ташаббускорлиги билан жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган. Ҳаётдаги шиори "Интилганга толе ёр".

Оилали. Икки фарзанднинг онаси.

**Наима Абитовна Хашимова 81-Зангиота сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Эльдор Собирjonovich Туляков**

1986 йилда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида туғилган. 2008 йилда Тошкент халқаро Вестминстер университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. 2011 йилда Германиянинг Франкфурт университети, Ҳуқуқ ва молия институти магистратура босқичини тугатган. Мутахассислиги - ҳуқуқшунос. ЎзМТДП аъзоси. Қонун устуворлиги давлат ва жа-

## Демократик талаблар асосида

мия тараққиётининг муҳим белгилари дандир. Бу йўналишда ўзининг камтарона ҳиссасини кўшиб келаятган Эльдор Туляков меҳнат фаолиятини 2005 йилда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида суд мажлиси котиблигида бошлаган. Кейинчалик фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида суд мажлиси котибли, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказининг йўл-ахборот бўлими етакчи консультанти сифатида ишлаган. 2011 йилдан ҳозирга қадар ушбу тадқиқот марказининг халқаро ҳуқуқий тадқиқотлар ва одил судловни амалга ошириш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш бўлими бош консультанти вазифасида ишлаб келмоқда. У фаолияти мобайнида суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларини, шунингдек, халқаро-қиёсий маълумотларни тайёрлашда фаол иштирок этапти. Президентимиз раҳна-


молигида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларини халқаро ҳамжамиятга етказиш йўлида фаол иш юритмоқда. Бу борада нуфузли халқаро анжуманлар ва учрашувларда ўз маърузалари билан қатнашапти.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш уларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини янада юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Эльдор Туляков. — Бу ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган асосий мақсад-вазифалардан саналади. Фаолиятим давомида бу каби дастурий вазифаларни амалга оширишга, халқимизга хос кеңиримлилик, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларнинг суд амалиётида янада кенгроқ жорий этилишига ўз ҳиссамни қўшаман.

Оилали, бир фарзанднинг отаси.

**Эльдор Собирjonovich Туляков 86-Чирчиқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Маҳаллийлаштириш — давр талаби



**Фазлиддин Фозилевич Юнусов**

1970 йилда Тошкент вилоятида туғилган. 2003 йилда Тошкент давлат иқтисодий университетининг иқтисодий ва маҳаллий бошқарув, 2008 йилда Тошкент давлат

техника университетининг нефть ва газ мутахассислиги, 2010 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг менежмент мутахассислиги бўйича тамомлаган. ЎзМТДП аъзоси.

Фазлиддин Юнусов меҳнат фаолиятини 1987 йилда тренер-йўриқчи сифатида бошлаган. 1997-2010 йилларда "Нефтгаз" очик акциядорлик жамияти таъминотчиси, раҳбари лавозимларида меҳнат қилди. 2012 йилдан буён "Ўзташқиннефтгаз" акциядорлик жамияти бошқаруви раисси вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Фазлиддин Юнусов ўз соҳаси бўйича кенг билимга эга, масъулиятли ва талабчан раҳбар. Топширилган масъулият ва теъкорлик билан бажаришга интилади. Илганиши, соҳага янгилик киритиш ва ўз устида

тинимсиз ишлаш унинг ўзига хос иш услуби саналади.

— Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мақсадида нефть ва газ соҳасига тааллуқли бўлган бир қанча импорт ўрнини боса оладиган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимиз - дейди Фазлиддин Юнусов. — Бу партиямизнинг сайловолди Платформасида белгиланган ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш каби мақсад-вазифаларга уйғун ва ҳамоҳангдир.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси. **Фазлиддин Фозилевич Юнусов 83-Паркент сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Малика Акбаровна Қадиржанова**

Бугун ўзбек аёли — иқтисодчи, ҳуқуқшунос, тадбиркор, ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари. Бу мамлакатимизда аёлларга берилаётган юксак эътибор самарасидир. Малика Қадиржанова ҳам ана шундай ғамхўрликдан самарали фойдаланиб келаё-

## Меҳнатдан қадр топиб

тир. У 1967 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1991 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, 1995 йилда Тошкент халқ хўжалиги институти тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-технолог, ҳисобчи-иқтисодчи. ЎзМТДП аъзоси.

Малика Қадиржанова меҳнат фаолиятини 1988-2000 йилларда Тошкент шаҳридаги "Q-Sharq" тери-пойфаза ишлаб чиқариш жамияти ходими сифатида бошлаган, 2000-2004 йиллар давомида Тошкент шаҳар Олмазор тумани "Университет-коммуналчи" уй-жай мулкдорлар ширкати иқтисодчиси вазифасида ишлаган. 2004-2007 йиллар давомида эса Тошкент шаҳар Олмазор тумани "OMEGA-GRUP" масъулияти чекланган жамияти бош ҳисобчиси сифатида фаолиятини давом эттирди. 2007 йилдан буён эса Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "MEGA IMPORT PLUS" масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимини давом эттириб келмоқда.

Малика Қадиржанова республика

микёсида ташкил этиладиган турли тадбирлар, жумладан, 2009-2010 йилларда бўлиб ўтган халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида фаол иштирок этиб келмоқда. 2010 йил май ойида эса Ўрта-Чирчиқ туманида ўтказилган ҳудудий саноат ярмаркасида ўз махсулотлари билан қатнашди. Ташкилотчи, ўзи ва кўл остидаги ишчи-ҳодимларга нисбатан талабчан, жамoa ўртасида ҳурмат ва обрўга эга. Малика Қадиржанованинг ташаббускорлиги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган фаол аёлларни рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқени янада оширишга қаратилган вазифаларига ҳамоҳангдир.

Оилали, тўрт фарзанднинг онаси.

**Малика Акбаровна Қадиржанова 87-Қибрай сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Шахло Шералиева Урунбоева**

1967 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1988 йил Тошкент давлат педагогика институти тамомлаган. Мутахассислиги - немис ва инглиз тили ўқитувчиси. ЎзМТДП аъзоси.

Шахло Урунбоева ҳозирда Ўрта Чирчиқ тумани 3-умумий ўрта таълим мактабида фаолият кўрсатиб келмоқда. Олий тоифали ўқитувчи ва малакали мутахассис. "Илмининг энг яхши ўқитувчиси" танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлган.

## Тил билган — эл билади

— Мамлакатимизда педагогларнинг касб маҳоратини ошириш учун яратилаётган кенг шароитлар чет тилларни сифатли ўқитишга ёрдам бермоқда, — дейди Шахло Урунбоева. — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида замонавий менежмент, шунингдек, ватандошларимизга ва хорижий туристларга Ўзбекистоннинг ўтмиши ва ҳозирги кунни тўғрисида ишончли ахборотни етказиш кўникмаларига эга бўлган кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг миллий тизими самарадорлигини янада ошириш илгари сурилган. Шундай экан, ёшларимиз компьютер дастурлари, айниқса, хорижий тилларни пухта эгаллашлари лозим. Зеро, тил билган — эл билади.

Умрини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаётган Шахло Урунбоева ёшларга инглиз тилидан сабоқ бериб келади. Чет тилларни ўрганиш тизимининг мунтазам такомиллаштириб борилаёт-

гани халқаро ўқитиш стандартлари ва замонавий педагогик технологияларни жорий этишга кўмаклашмоқда. Бугунги кунда унинг ўқувчилари юртимиз раънақи йўлида меҳнат қилиб, юксак марраларни кўзламоқда. Бевосита унинг саъй-ҳаракати билан туман ва вилоят ёшлари ўртасида инглиз тили фанини ўзлаштириш янада оммалашди. Тажрибали устоз шогирдлари камолдан қувониб яшайди. Уларнинг сифатли билим олиши, юрт учун фойдаси тегадиган етук кадрлар қилиб тайёрлашга қаратилган турли тадбир, жамоат ишларида фаол қатнашди. У йиллар давомида ортиртган тажрибасини республика миқёсида оммалаштиришни мақсад қилган.

Оилали, уч фарзанднинг онаси. **Шахло Шералиева Урунбоева 84-Тўйтепа сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Фан, таълим ва амалиёт интеграцияси



**Алимжон Ахмаджанович Рискүлов**

1962 йилда Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида туғилган. 1984 йилда Тошкент автомобиль-йўллар институти имтиёзли диплом билан тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-механик. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Алимжон Рискүлов иш фаолиятини

1984-1987 йилларда Ўзбекистон автомобиль ва йўллар вазирлиги "Ўзйўл" таъмир-монтаж корхонасида муҳандис, кейинчалик катта муҳандис вазифаларидан бошлаган. У 1987-1990 йилларда Беларусь Республикаси Фанлар академияси металлополимер тизимлар механикаси институти аспиранти, 1990-2007 йилларда Тошкент автомобиль-йўллар институти кафедра доценти, кафедра мудири бўлган. 2007-2008 йилларда автомобилсозлик факультети декани вазифасида ишлаган. 2008 йилдан буён Тошкент автомобиль-йўллар институти ректорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимини давом эттириб келмоқда.

Алимжон Рискүлов 1990 йилда номзодлик, 2011 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. У 90 дан ортиқ илмий ишлар, жумладан, 4 та монография, 50 га яқин мақола, 2 та ўқув-кўлланим, 2 та патент ҳамда халқаро ва республика миқёсида ўтказилган конференцияларда чоп этилган тезислар муаллифидир.

— Навқирон авлоднинг миллий қадрият ва аънаёларга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий

жиҳатдан юксалишига кўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш, фаолиятини ривожлантириш ЎзМТДП янги сайловолди Платформасида устувор мақсад-вазифалардан бири сифатида белгиланган, — дейди у. — Дарҳақиқат, фан-таълим соҳаси мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи асосий мезонлардан биридир. Шу боис мен ўзимнинг сайловолди дастури орқали юртимиз зиёлиларини қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиши ва қабул қилинишига эришишда фаол иштирок этишни мақсад қилдим.

Алимжон Рискүлов инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ҳамда институтда ўтказиладиган маънавий-маърифий, ижтимоий ва ташкилий тадбирларда фаол иштирок этади.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси.

**Алимжон Ахмаджанович Рискүлов 88-Янгийўл сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Етук мутахассис, изланувчан раҳбар



**Муҳаммадшокир Турарович Халходжаев**

1975 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1997 йилда Тошкент электротехника алоқа институти (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети)ни автоматлашган электр алоқа мутахассислиги бўйича тамомлаган. ЎзМТДП аъзоси. Муҳаммадшокир Халходжаев 2009

йилдан буён Ўзбекистон Республикаси давлат Архитектура ва қурилиш қўмитасининг лойиҳалаштириш ташкилотлари фаолияти мониторинги бошқармаси бошлиғи лавозимини давом эттириб келмоқда.

У дастлаб ўз фаолиятини 1997-1998 йилларда Тошкент шаҳар давлат алоқа инспекцияси назоратчиси ва телекоммуникациялар бўлими 2-тоифали муҳандиси вазифасидан бошлаган. Ишчанлиги, соҳасини пухта билганлиги боис, инспекциянинг назоратчиси, 1-тоифали муҳандиси, катта назоратчиси, етакчи муҳандис, бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи, бўлим бошлиғи, инспекция бошлиғи каби масъулиятли вазифаларида ишлаган.

Этироф этиш жоизки, Муҳаммадшокир Халходжаев раҳбарлиги остида қўмитада бир қанча шаҳарсозлик нормалари ва қондалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, у шаҳарсозлик соҳасидаги сиёсатни олиб боришда лойиҳа ташкилотларининг иш фаолиятларини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида малака ошириш курслари, ўқув-семинарлар ташкил этиш ишларида фаол иштирок этмоқда.

Муҳаммадшокир Халходжаев архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида

қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва ҳукумат қарорларини амалга ошириш борасида самарали иш олиб бормоқда. Хусусан, унинг раҳбарлигида соҳага доир бир нечта услубий кўлланим, йўриқнома ва тавсифномалар ишлаб чиқилган ҳамда ҳудудларда тадқиқ этиб келинмоқда.

Муҳаммадшокир Халходжаев ўзининг юксак салоҳияти, бой илмий тажрибаси, раҳбарлик маҳорати, ҳар қандай вазиятда ҳам теъкор ва оқилона қарорлар қабул қила олиши билан ажралиб туради. У ўз раҳбарлигидаги ходимлар имкониятларини тўғри баҳолаб, бу имкониятлардан соҳани ривожлантириш йўлида самарали фойдалана олади. Унинг ходимларини ўз ортидан эргаштира олиши, уларнинг ишончини қозона олгани ва ҳамкасблар орасида кичин инсоний фазилатлари билан қатнаш ҳурматга эга эканлиги диққатга сазовор.

Оилали, уч фарзанднинг отаси.

**Муҳаммадшокир Турарович Халходжаев 89-Дўстобод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Одилжон Патихоневич Таджиев**

— Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг ҳеч қандай кам бўлмаган шароитларда униб-улғайиши йўлида барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди Одилжон Таджиев. — Шу боис, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор мақ-

## Ёшлар камолотига камарбаста

садларидан ҳисобланган ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўйишни ният қилдим.

Одилжон Таджиев 1984 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 2006 йили Тошкент Ислон университетини тамомлаган. ЎзМТДП аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 2007 йил Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Котибияти катта инспектори вазифасидан бошлаб, 5 йил мобайнида Миллий марказнинг Ахборот-ҳуқуқ бўлими мудири, 2012-2014 йилларда "Камолот" ёшлар ижтимоий харақати Марказий Кенгаши аппарати бўлим мудири сифатида фаолият юритган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий харақати Тошкент вилоят Кенгаши раисси лавозимини самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Одилжон Таджиев меҳнат фао-

лиятини давомиди ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бўш вақтларини фойдали меҳнатга жалб этиш, уларнинг юртимизда кечаётган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этишига кўмаклашиш борасидаги саъй-ҳаракатларда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Унинг ташаббуси билан 2012-2013 йилларда ёшлар орасида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" мавзусидаги тарғибот лойиҳаси юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида оммалаштирилди.

Оилали, икки фарзанднинг отаси.

**Одилжон Патихоневич Таджиев 85-Чиноз сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Абдулхай Мамажонович Юнусов**

1968 йилда Фарғона вилоятида туғилган. Мутахассислиги — журналист. ЎзМТДП аъзоси. Абдулхай Юнусов 1991-1999 йилларда "Спорт" газетасида жамоатчи мухбир, 1999-2002 йилларда "Ўзбекистон футбол" газетасида мухбир, 2002-2014 йилларда "Ishonch" ва "Ishonch-

## Жамоада ўз ўрни бор

Доверие" газетасида мухбир, катта мухбир, газетанинг Андижон вилояти бўйича мухбири, 2014 йилдан буён Фарғона вилояти бўйича мухбири вазифасида ишлаб келмоқда.

— Аҳолининг маънавий олами бийитишда оммавий ахборот воситалари бекиёс ўрин тутди, дейди Абдулхай Юнусов. — Миллий журналистикани ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга ўз ҳиссамни қўшишни ният қилдим. Зеро, партия сайловолди Платформасида ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган соғлом ахборот муҳитини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофазат қилиш аниқ белгилаб қўйилган.

Абдулхай Юнусов 2003 йилда "Универсиада", "Баркамол ав-

лод", "Умид ниҳоллари" — уч босқичли спорт ўйинларини газетанда фаол ёритгани учун Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан "Йилнинг энг яхши спорт шарҳловчиси" деб топилди. 2011 йилда Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси Кенгаши томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Инсонга наф келтириш - олий бахт" танлови совриндори бўлган. 2006 йилда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони билан тақдирланган.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси.

**Абдулхай Мамажонович Юнусов 90-Бешарик сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Кобилжон Солижонович Газиев**

1976 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 2001 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — математик. ЎзМТДП аъзоси.

Кобилжон Газиев ўз меҳнат фао-

## Таълим жонкуяри

лиятини 1995 йили Фарғона давлат университетиде ўқитувчиликдан бошлаган. Ўтган давр мобайнида кафедра ўқитувчиси, факультет декани ўринбосари, магистратура бўлими бошлиги бўлиб ишлаган. 2007 йилдан ҳозирга қадар ўқув ишлари бўйича ректор ўринбосари лавозимида ишламоқда.

Кобилжон Газиев олий таълим самарадорлигини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини модернизация қилиш ва таълим-тарбия самарадорлигини янада ошириш бўйича вилоят ҳамда Фарғона давлат университетининг концепцияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда жонбозлик кўрсатди. Жумладан, ўқув режалари, фан дастурлари ва таълим стандартларини қиёсий таҳлил қилиб, ишчи ўқув режаларига тегишли ўзгартришлар киритди. Таълим соҳасига қирувчи йўналишлар ўқув режадаги турдош

фанларнинг мазмунан боғлиқлиги ва узлуксизлиги бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, амалиётга жорий қилди. Мухтасар айтганда, Кобилжон Газиев Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гоёлари рўёби учун хизмат қилмоқда. Зеро, навқирон авлодчи жисмонан соғлом ва маънан етук этиб тарбиялаш партиянинг долзарб вазифалари сирасига кирди.

Кобилжон Газиев 2002 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди, физика-математика фанлари номзоди илмий даражасига эга, 20 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлари нашр этилган.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси.

**Кобилжон Солижонович Газиев 94-Бағдод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Иқбол Бахтиёрович Усмонов**

1977 йилда Фарғона вилоятида туғилган. Фарғона давлат иқтисодиёт университетининг бакалавр босқичи (2006 й.) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг магистрик босқичини (2012 й.) тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи. ЎзМТДП аъзоси.

## Партия мақсадларига хайрихоҳ

У 1998 йилдан буён туман ҳокимлиги Иқтисодиёт бўлими мутахассиси, бош мутахассис ва бўлим бошлиги вазифаларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Партиянинг иқтисодий соҳадаги асосий мақсади - кучли миллий иқтисодиётни шакллантиришдир, дейилади ЎзМТДП сайловолди Платформасида, - дейди Иқбол Усмонов. — Бундай иқтисодиёт халқаро бозорда сифатли маҳсулот ва хизматлари билан бемалол рақобатга кириша олади. Партия шу тариқа Ўзбекистоннинг жаҳондаги иқтисодий ва индустриал жихатдан ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этишни мақсад қилган.

Иқбол Усмонов партия мақсадларига хайрихоҳ инсон сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентини фармон ва қарорлари, қабул

қилинаётган қонунлари жамоатчиликка етказиш, ижросини таъминлашда туман аҳолиси, фаоллари билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Туманни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, тадбиркорлар, хууссан, оилавий тадбиркорлар, касаначилик ва хунармандларга яратилаётган имтиёزلардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, аҳоли ва қолlej битирувчиларини иш билан таъминлашда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Унинг мақсади мамлакат иқтисодининг инвестиция иқлими ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини янада оширишга ҳисса қўшиш.

Оилали, уч фарзанднинг отаси.

**Иқбол Бахтиёрович Усмонов 91-Данғара сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Изланувчан, фаол ёш мутахассис



**Акmalжон Ахаталиевич Умирзаков**

1981 йилда Фарғона вилоятининг Риштон туманида туғилган. 2002 йилда Тошкент давлат юридик институти бакалавр босқичини, 2004 йилда Глазго университети (Шотландия, Буюк Британия) ва 2009 йил Цукуба университети магистратура босқичларини тамомлаган. Мутахассислиги —

хуқуқшунос ва сиёсатшунос. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" де-

мократик партияси аъзоси.

Акmalжон Умирзаков 2004 йилдан 2006 йилга қадар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида етакчи мутахассис, 2006 йилдан 2013 йилгача Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетида ўқитувчи ва 2009 йилдан 2012 йилга қадар хуқуқшунос-маслаҳатчи вазифаларида фаолият кўрсатган. 2013 йилдан шу кунга қадар Тошкент давлат юридик университети халқаро оммавий ҳуқуқ кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Акmalжон Умирзаков талабалик давридаёқ меҳнатсеварлиги ва фаоллиги боис 2002 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси гранти совриндори сифатида хорижда таълим олиш имкониятини қўлга киритди. Унинг иккита қўлланма, ўнга яқин илмий ишлари чоп этилган.

— ЎзМТДП янги сайловолди Платформасида суд-хуқуқ соҳасидаги мақсад-вазифаларга жи-

ноий қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш, алоҳида жиноятлар бўйича фақат жаҳрланувчининг аризаси мавжуд бўлгандагина жиноят иши қўзғатиш тартибини жорий этиш масаласи киритилди, - дейди у. — Шунингдек, оила, мерос, уй-жой даъвоси ва бошқа хилдаги маиший турмуш манбаида тугиладиган вазифаларни судга ҳал этиш тизимини ривожлантириш, бу борада маҳалланинг хизматидан фойдаланиш масаласи илгари сурилган. Мутахассислигим хуқуқшунос бўлгани учун, агар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайлансам, мазкур йўналишдаги мақсад-вазифаларни миллий қонунчилигимизга янада кенгрок сингадиришга ҳисса қўшиш эзгу мақсадиридир.

Оилали, бир фарзанднинг отаси.

**Акmalжон Ахаталиевич Умирзаков 95-Риштон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар вакили



**Бахтиёр Турғунович Базаров**

Иқтисодиёт мамлакат тараққиётининг муҳим омили эканини яхши англаб, иқтисодчи бўлишга аҳд қилган Бахтиёр Базаров ўз соҳасининг билимдон сифатида эл-юрт орасида хурмат

қозонган. У 1974 йилда Фарғона шаҳрида туғилган. 1996 йили Фарғона политехника институти тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-иқтисодчи. ЎзМТДП аъзоси.

2002 йилда "Евроосиё ТАПО-Диск" Ўзбекистон-Англия-Швейцария қўшма корхонасида ишлаб чиқариш таъминоти департаменти директори ўринбосари вазифасида иш бошлади. 2012 йилда қўшма корхона бош директори ўринбосари этиб тайинланди. 2013 йилдан бошлаб қўшма корхона бош директори лавозимида фаолият олиб бормоқда. Мазкур корхона маҳаллий ҳамда чет эл автомобиллари учун диск ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

— Корхонамизда сифат менежмент тизими жорий қилиниб, ИСО-9001 сертификати қўлга киритилди, - дейди у. — Бугунги кунда корхонада маҳаллийлаштириш тизими яхши йўлга қўйилиб,

химикат ва лакларнинг 21 тури, аниқроғи 90 фоизи Андижондаги "ЎзДонг-Жу" корхонасидан келтирилмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва экспорт салоҳиятини янада ошириш фаолиятимиз асосини ташкил этади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга интилаётган ЎзМТДП билан мустаҳкам ҳамкорлик фаолиятимизнинг янада раванқ топишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Бахтиёр Базаров корхона ишчи-ҳодимлари, ёш оилаларга имтиёзли кредитлар ажратилишида амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Оилали, икки фарзанди бор.

**Бахтиёр Турғунович Базаров 92-Яйпан сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Матбуот — юксак маънавий омили



**Умиджон Раҳмонович Жабборов**

1976 йилда Фарғона вилояти Олтиарик туманида туғилган. 2007 йилда Фарғона давлат университети филология факультетини та-

момлаган. ЎзМТДП аъзоси.

1996-2000 йилларда "Давр овози" газетасида адабий ходим, мухбир, бош муҳаррир ўринбосари, 2000-2006 йиллар давомида вилоят прокуратурасининг "Адолат йўли", солиқ бошқармаси ва вилоят ИИБ муассислигидаги "Давр минбари", "Хамроҳ", "Давр" мустақил газеталари, "Фарғона" нашриётларида бош муҳаррир, директор вазифаларида ишлади. 2006 йилда вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида ўз фаолиятини давом эттириб, 2010 йилдан буён бошқарма бошлиги лавозимида меҳнат қилмоқда.

— Сайловолди дастуримда "Юксак маънавият — енгилмас куч" эзгу гоёси асосида миллий аънава ва кадрларимизни оммавий ахборот воситаларида янада кенгрок тарғиб қилиш ва мустаҳкамлаш мақсадини илгари сурияман, - дейди Умиджон Жабборов. — Бунинг

учун аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тарғибот тадбирлари, миллий урф-одатларимизни таранмуш этувчи бадиий асарлар, қўшиқлар танловини ўтказиш юзасидан лойиҳалар тузганман. Агар депутат бўлсам, бу мақсадларимни янада самарали амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини янада қонимлаштиришга интиламан.

Истеъдоди, кенг дунёқараш билан ажралиб турувчи Умиджон Жабборов "Ҳаммабоп кундалик", "Соғлом ва осойишта ҳаёт сари", "Шоир ҳақида ҳаётий ҳақиқатлар" каби тўпламлар муаллифидир.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси.

**Умиджон Раҳмонович Жабборов 96-Олтиарик сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Хуқуқшунос — ношир



**Абдулхамид Абдуқаҳоревич Омонов**

1985 йилда Фарғона вилояти Ўзбекистон туманида туғилган. 2008 йилда Тошкент давлат юридик институти тамомлаган. ЎзМТДП аъзоси.

Хуқуқшунос мутахассислигига эга бўлган Абдулхамид Омонов меҳнат фаолиятини масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Kuch — bilim va tafakkurda" илмий маслаҳат марказида бош юристконсультант сифатида бошлаган. 2009 йилдан "Адолат" нашриёти давлат корхонасининг юристконсультанти, етакчи юристконсультанти сифатида ўзига юклатилган вазифа-

ни аъло даражада бажариб келмоқда. Жумладан, у нашриёт фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ташкил этиш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, нашриётнинг ички ҳужжатларини ишлаб чиқишда ўз билим ва тажрибасини аямайди. Ҳодимларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш, уларни мамлакатимиз ва жаҳонда юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар билан мунтазам равишда таништириб бориш, нашриёт фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритишда фаол иштирок этмоқда. Абдулхамид Омоновнинг нафақат нашриёт фаолияти, балки хуқуқшуносликнинг долзарб муаммолари, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган 10 дан ортиқ мақолалари матбуотда чоп этилган.

2011 йилдан юристлик фаолияти билан бирга нашриёт бош муҳаррири вазифасида ҳам ишлаб, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, кодекслари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари ва бошқа юридик адабиётларни ўз вақтида, сифатли таҳрир қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп этириш

борасида ўзининг ташкилотчилик қобилияти ва салоҳиятини намойён этаётди. Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ўрганиш бўйича Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорликда тайёрланган 9 номдаги ўқув-услубий мажмуалар жамланмасини сифатли таҳрир ва таҳлил этган ҳолда нашрдан чиқариб, тегишли муассаса ва ташкилотларга тарқатилишида фаол иштирок этди.

Абдулхамид Омоновнинг депутат этиб сайланиши ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, ёш авлодчи китобга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларнинг матбаачилик маҳсулотларига қизиқишини кучайтириш сингари мақсад-вазифалар ижросида муҳим ўрин тутди.

Оилали, бир фарзанднинг отаси.

**Абдулхамид Абдуқаҳоревич Омонов 93-Қўқон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Мақсади партия гоёларига ҳамоҳанг



**Жаҳонгир Деҳқонович Мамажонов**

1977 йилда Фарғона вилоятида туғилган. Мутахассислиги — математик. ЎзМТДП аъзоси.

Жаҳонгир Мамажонов 2002 йилдан Фарғона давлат университети дифференциал тенглалар кафедраси ўқитувчиси, физика-матема-

тика факультети декан ўринбосари, амалий математика ва информатика кафедраси мудири бўлган. Айни пайтда Фарғона политехника институти академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича ректор ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Талабалик даврида тиришқоқлиги ва интилувчанлиги туфайли Ал-Фарғоний номдаги стипендия соҳиби бўлган, университетни имтиёзли диплом билан тамомлаган, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Айни пайтда докторлик илмий иши устида изланишлар олиб бормоқда. Республикамикамиз ва хориждаги журнал ва конференция материалларида 30 га яқин илмий мақолалари чоп этилган. Иккита ўқув қўлланма, битта ўқув-услубий қўлланма (ҳаммуаллифликда) муаллифи.

— Юртимизда ёшларнинг маънан ва жисмонан баркамол бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, - дейди у. — Партия сайловолди Платформаси-


да жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодчи тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилиш вазифаси белгиланганки, бу бизнинг фаолиятимиз билан бево-сита боғлиқ жараён.

Жаҳонгир Мамажоновнинг ташаббуси билан академик лицей талабалари орасидан энг иқтидорлиларини танлаш мақсадида фанларро икки босқичли олимпиадалар ўтказиш аънавага айланди. Шунингдек, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун институт қошида математика, физика ва инглиз тили фанларидан ўқув-семинарлар ташкил қилинган. У таълим тизимидаги ислохотларни самарали амалга оширишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Оилали, уч фарзанднинг отаси.

**Жаҳонгир Деҳқонович Мамажонов 97-Қўштепа сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ФАРФОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



*Юртдошларимизни мамлакатимизнинг  
Асосий Қонуни –*

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси қабул  
қилинганининг 22 йиллиги**

*билан самимий муборакбод этади.*

*Давлатимиз равнақи, юртимиз  
ободлиги ва халқимиз фаровонлиги  
йўлидаги самарали меҳнатларига  
улкан муваффақият тилайди.*



**БАЙРАМ МУБОРАК!**

Жараён

## Иқтисодий салоҳият ва изчил ривожланиш

“O’zERAЕ Climate Control” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси фаолияти мисолида



**Андижон вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётга улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Ривожланган sanoat тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги, фидойи инсонлар меҳнати барча соҳаларни изчил тараққий эттиришда муҳим омили ҳисобланади. Шу маънода, вилоятимиз маркази, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, обод бўлиб, аҳолининг турмуш даражаси кун сайин юксалиб бормоқда.**

Мамлакатимиздаги иқтисодий барқарорлик, қулай ишбилармонлик муҳити сабаб замонавий sanoat тармоқларини ривожлантириш, янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш изчил давом эттирилмоқда. Бунинг натижасида сармоялар оқими йил сайин кўпаймоқда. Узоққа бормайлик, шу йилнинг биринчи ярмида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 15 триллион сўм ёки 6,7 миллиард АҚШ долларини ташкил қилгани, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми эса 28,8 фоизга ошгани бунинг яққол далилидир. 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида шу йилнинг 9 ойи мобайнида қиймати 253 миллиард сўмлик 2 минг 815 лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида 24 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Юртимизда хорижий инвесторлар, аynиқса, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш

га тўғридан-тўғри инвестиция сарфлаётганлар учун юқори даражада қулай шароит яратиб бериш йўлидаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Унга мувофиқ тақдим қилинаётган имтиёзлар янги ҳамкорлар топиш, уларнинг сармояси иштирокида ишлаб чиқариш қувватларини барпо қилиш, мавжудларини замон талабларига мос равишда техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишда кўл келаяпти. Бунга Андижон шаҳридаги автомобилларга бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ва етказиб берувчи “O’zERAЕ Climate Control” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси фаолияти мисол бўла олади.

Мазкур корхона Жанубий Корея ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, у бир неча йилдан буён ички бозорда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар асосан “GM-Uzbekistan” ёпиқ акциядорлик жамиятига етказиб берилади. Сабаби, хорижийнинг энг замонавий технологик линиялари билан жиҳозланган корхонамиз цехларида импорт ўрнини босувчи автомобилларга иситиш ва совутиш тизими моделларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Ваҳоланки, илгари бу турдаги маҳсулотлар валюта ҳисобига четдан келтирилар эди.

Кореянинг “КорЭгзим банк” кре-

дит линияси бўйича “Асака” банк Андижон вилояти филиалидан олинган 11 миллион АҚШ долларидан ортиқ сармоя ҳисобига катта ҳажмдаги модернизация ишларини амалга ошириб, янги дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозир корхонамиздаги тежамкор, замонавий ва энг сўнгги русумдаги технологиялар шарофати билан “Cobalt”, “Matiz”, “Lacetti” ва “Spark” автомобиллари учун иситиш ва совутиш тизими эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилмоқда. Асосий ишлар компьютерлаштирилган дастгоҳлар ёрдамида сифатли бажарилаёпти. Шу боис икки юздан ортиқ ишчи меҳнат қилаётган корхонамиз жамоаси буюртмаларни ўз вақтида бажариб, ишлаб чиқариш ҳажминини муттасил ошириб боришни мақсад қилган.


Жамоамизнинг асосий қисмини ташкил этадиган ёшлар ўз гоёлари билан маҳсулотларимизни янада такомиллаштиришга ҳисса қўшаётгани диққатга сазовордир. Уларнинг билим, малака ва амалий кўникмаларини ривожлантиришда таълим муассасалари билан уч томонлама шартномалар имзолаш аъёнаси, “устоз-шогирд” тамойили самарали қўлланилиб келинаётгани катта роль ўйнаётди. Кўпгина ёшлар коллеж амалиётини шу ерда ўтаб, соҳадаги ўзига хос жиҳатлар билан ақиндан танишмоқда, малака ҳосил қилмоқда, ўзларининг муносиб ўрин топиши учун барча шарт-шароитлар яратилганини ҳис этмоқда. Хусусан, жорий йилда Андижон sanoat-транспорт касб-хунар коллежини тамомлаган икки нафар ёш корхонамизда мутахассис сифатида иш бошлади. Корхонада

ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказиш ва тиббий хизмат турларидан бепул фойдаланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ювенил, овқатланиш хоналари мунтазам ишлаб турибди.

Йил сайин тараққий этиб бораётган ўзбек автомобилсозлиги чин маънода истиқлол инъом этган мўъжизадир. Ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жалб этилаётгани, модернизациялаш тадбирлари изчил олиб борилаётгани бизнинг жамоамизни ҳам янги марралар сари руҳлантираётди.

Айни чоғда жаҳон бозоридagi мавқеимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида навбатдаги лойиҳаларни ниҳоясига етказаямиз. Аниқроғи, 2015 йилдан “Gentra” моделининг ички саломи учун иситиш ва совутиш моделларини ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. 2015 йил якунида ишлаб чиқарилиши кутилаётган янги русумли автомобилларга радиатор, иситиш ва совутиш мосламаларини тайёрлаш борасида ҳам иш олиб борилмоқда. Шунингдек, халқ истеъмолчиларини ишлаб чиқариш ва уларни ички ва ташқи бозорга чиқариш ҳаракатида “Nexia”, “Damas” ва “Matiz” автоуловларининг радиаторлари маҳаллийлаштирилмоқда. Ишлаб чиқараётган барча маҳсулотларимизнинг сифати ус-тидан мустаҳкам назорат олиб борилади.

Айни пайтда 13 та маҳаллий таъминотчилар томонидан хориждан келтирилган хомашё асосида 94 турдаги бутловчи қисмлар тайёрланмоқда. Улар томонидан 2015 йилда 1 миллиард 877 миллион



сўмдан ортиқ маҳсулот етказиб берилиши режалаштирилган. Келгусида янги лойиҳаларни ишга туширсак, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз яна кўпаяди.

Иқтисодиёт тармоқларига жалб қилинаётган инвестициялар биз сингари замонавий корхоналарни бунёд этиш, инфратузилма объектларини ишга тушириш борасидаги аниқ мақсадларга йўналтирилгани эътиборга молик. Буларнинг самараси, энг аввало, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётгани, ички бозорда импорт ўрнини босувчи товарлар тобора кўпайиб бораётганида яққол намойён бўлмоқда.

Асосийси, Давлатимиз раҳбари томонидан биз, ишбилармонларга яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз сифатини ошириш, турини кўпайтириш йўлида изланишимиз. Мақсадимиз битта: у ҳам бўлса, халқроқ стандартлар талабига мос

маҳсулотларимиз билан ички ва ташқи бозордаги ўрнимизни янада кенгайтиришдан иборат.

Муҳтасар айтганда, кўчаларимизни тўлдириб юрган ўзимизнинг автомобилларга зарур эҳтиёт қисмларини ўз қўлларимиз билан тайёрлаётган “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остида маҳсулотлар сонининг тобора кўпайиб бораётгани қалбимизни чексиз гурур ва ифтихорга тўлдирмоқда. Ташқи кўриниши, ички беазаги, мустаҳкамлиги, тежамкор ва хавфсизлиги билан аллақачон автомобиль ишқибозларининг меҳрини қозонган автомашиналаримиз доимо халқимизнинг узоғини яқин, мушуқлини осон қилаверсин.

**Нодиржон АХМЕДОВ,**  
“O’zERAЕ Climate Control”  
Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси директори,  
102-Кўва сайлов округидан  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси депутатлигига  
номзод



Фасоҳат

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган имкониятлар боис ички бозорларимизда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кенг ўрин эгалламоқда. Бунда ички истеъмол бозорини ривожлантириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги иш ўринларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг она заминимизнинг гуллаб-яшнаётгани, тараққиётга юз тутаяётганини кўрасиз. Кенг қўламли ўзгариш ва янгиликлардан кўзингиз қувнайди. Дарҳақиқат, истиқлол ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида янги тараққиёт даврини бошлаб берди. Юртдошларимиз қалбида ободлик ва бунёдкорлик, яратувчанлик иштиёқи уйғонди. Бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган янгиликларимиз жараёни Ўзбекистонимизнинг ҳар бир гўшасида аксини топмоқда. Ҳатто, энг олис қишлоқларда ҳам пухта ўйланган лойиҳалар асосида, сифатли қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда уй-жойлар қурилаётгани юртдошларимизнинг қувончига сабаб бўлмоқда.

Тараққиёт, юксалиш, ободлик ва фаровонлик ўз-ўзидан бўлмайдди. Бугун барча шаҳар ва қишлоқларимиз кўркамлашиб, чирой очиб бораётгани халқимизга хос яратувчанлик, бунёдкорлик каби эзгу фазилатлар самарасидир. Бу ишларда қалби қайноқ, янгиликка интилувчан ёшларимиз ҳам фаол иштирок этаётгани кишини қувонтиради. Бозорларимизда қурилиш материалларига бўлган талаб ва таклифни ўрганиб чиқиб, тадбиркорлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, оилавий бизнесни йўлга қўйдик. Юртимизда руҳ билан қолланган тунука ишлаб чиқарилмаслигини инобатга олиб, ички бозоримизни ана шундай маҳсулот билан таъминлаш мақсадида 2007 йилда

## “MEGA IMPORT PLUS”

маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш мақсадида



“MEGA IMPORT PLUS” МЧЖни ишга туширдик.

Президентимизнинг 2009 йилда қабул қилинган “Sanoat корпорацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги қарорига асосан бизнинг корхонамиз ҳам тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар рўйхатида киритилди. Уша йилдан бошлаб сифатли металл-черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозирда қўлимиз-қўлимизга тегмай, буюртма асосида мавжуд учта ишлаб чиқариш цехимизда 17 турда маҳсулот тайёрланмоқда. Турли кўриниш ва рангларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз миқдорларимизга маъқул келмоқда. Нархи ҳам ҳамёнбоп.

Бизнинг мақсадимиз ички бозорни сифатли маҳсулот билан тўлдириш баробарида ташқи бозорга ҳам олиб чиқиш. Ҳозир “MEGA IMPORT PLUS” МЧЖда 19 нафар ёш иш билан банд. Асосан касб-хунар коллеж битирувчиларини ишга олдик. “Устоз-шогирд” аъёнаси асосида корхонамизда 20 нафар ёш иш ўрганиб кетди. Айни кунда улар турли ташкилот ва корхоналарда меҳнат қилишмоқда. Бу борада бир мисол келтирсам. 2012 йилда корхонамизга коллеж битирувчиси Соҳиба Кутбиддиновани ишга олдик. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уларнинг ўз шахсий бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида “Менинг бизнес гоям” лойиҳаси ташкил этилган эди. У ана шу лойиҳанинг рес-

публика босқичида қатнашиб, голиб бўлди. 6 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига ўз бизнесини йўлга қўйди. Биз ана шундай иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, кўмак бериб келаямиз.

Корхонамизда ишчи-хизматчиларнинг ишдан бўш пайтларида мароқли дам олишлари ва тиббий хизмат турларидан бепул фойдаланишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ювенил, овқатланиш хоналари мунтазам ишлаб турибди.

Ишлаб чиқариш қувватини ошириш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида олинган кредитларни ўз вақтида қайтараямиз. Йилдан-йилга ишлаб чиқариш ҳажми, даромадимиз ҳам кўпайиб бормоқда. Дастлаб 1 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот сотган бўлсак, айни пайтда бу кўрсаткич 20 миллиард сўмга етди. Фаолиятимизни, маҳсулотларимизни кенг оммага таништиришда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлими кўмағига таянганмиз. Ҳар йили юртимизда ўтаётган халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида, ҳудудий саноат ярмаркаларида ўз маҳсулотларимиз билан қатнашмоқдамиз. 2013 йилда “Тадбиркор аёл” уюшмаси томонидан ўтказилган танловнинг республика босқичида “Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа” номинациясида голиб бўлдик.

Айни кунда республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида “Аёл бахти” аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказини очиб ҳаракатидаман. Мазкур марказ фаолияти маҳаллаларда оилавий бизнесни



йўлга қўйишга кўмаклашиш, айниқса, касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларга қўшимча шарт-шароит ва имтиёзлар яратиш, уларга банк имтиёзли кредитларининг ажратилишида кўмак бериш, аёллар бандлиги, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашишдан иборат бўлади.

Корхонамиз республика миқёсида ўтказилаётган ҳашар ва турли тадбирларда ҳам фаол қатнашиб келади. Ёш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, қария ва ногиронларга мунтазам хомийлик ёрдамини кўрсатиб тураемиз.

Жонажон Ватанимиз — иқтисодий жиҳатдан юксак салоҳият, куч-қудратга эга давлатлар қаторидан ўрин эгалламоқда. Кучли иқтисодий шакллантиришда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи билан ўз маҳсулотларимизни жаҳон бозорига олиб киришни мақсад қилганмиз. Шу билан бирга ҳудудда хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик каби миллий ишлаб чиқаришнинг аъёнавий турларини ривожлантиришни ўзим учун долзарб вазифа сифатида белгиланганмиз.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,**  
“MEGA IMPORT PLUS”  
МЧЖ раҳбари,  
87-Қиравой округидан  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси  
депутатлигига  
номзод





**Кобилжон Тоиржонович Зоҳидов**

1972 йилда Фарғона вилояти-нинг Марғилон шаҳрида туғилган. Тошкент давлат шарқшунослик институтини 1994 йили тамомлаган. Мутахассислиги — шарқшунослик тарихчи, исломшунослик. ЎзМТДП аъзоси.  
Кобилжон Зоҳидов Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси

## Юртга садоқатли ёшлар керак

си ҳузуридаги Тошкент Ислам университетида ўқув ва илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари бўлиб ишлайди.

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси кенг билимли, эркин фикрлайдиган, ўз қарашларида миллий ғоямизга таянган, хатти-ҳаракати, ҳаёт тарзи билан миллий маънавий қадриятларга садоқатли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаб етиштиришни ўзининг асосий мақсадларидан бири, деб билади ва унга эришишда биз каби ўқитувчи ва мураббийлар кўмагига таяниши шахсан менга катта мамнуният бағишлайди, дейди Кобилжон Зоҳидов.

Дарҳақиқат, Кобилжон Зоҳидов ёшларга билим бериш баробарида ўзининг илмий изланишлари билан таълим тизимининг янада такомиллашувига муносиб ҳисса кўшмоқда. Жумладан, қирққа яқин илмий иш-

лари чоп этилган устознинг “Ислам тарихи” ўқув қўлланмаси “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув қўлланмаси-2014” республика кўрик-танловларида унинг, унинг бевосита муҳарририликда чоп этилган “Ислам ва ақидапараст оқимлар” ўқув қўлланмаси биринчи ўринни эгаллади. Кобилжон Зоҳидов аждодларга муносиб авлодларни тарбиялаш йўлида бор куч, билим ва тажрибасини аямасликка қарор қилган.

Кобилжон Зоҳидов 2006 йили “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил” кўрак нишони билан тақдирланган.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси.

**Кобилжон Тоиржонович Зоҳидов 98-Марғилон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Нодиржон Раҳматович Аҳмедов**

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси янги сайловолди Платформасида белгиланган, партия мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга кўмақдош бўлиб, Ўзбекистонда миллий манфаатлар-

## Талабчан ва фидойи

дан келиб чиқиб олиб борилаётган фаол ташқи иқтисодий стратегияни қўллаб-қувватлайди. Партиянинг ана шу йўналишдаги мақсад-вазифалари ижросига ҳиссасини қўшишга интилаётган Нодиржон Аҳмедов 1969 йилда Фарғона вилояти Кува шаҳрида туғилган. 1992 йилда Тошкент автомобиль-йўллари институтини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси.

Нодиржон Аҳмедов 1993-1994 йилларда Фарғона вилояти Кува таъмирлаш-механика заводи чилангари, муҳандис-технолог, 1994 йилдан 2010 йилгача ҳозирги “GM Uzbekistan” ЎАЖ қўшма корхонасида маҳаллийлаштириш бўлими муҳандиси бўлган. 2010-2011 йилларда “GM Uzbekistan” ЎАЖда бўлим бошлиғи сифатида фаолият олиб борди. Нодиржон Аҳмедов 2012 йилдан шу кунга қадар Андижон шаҳри-

даги МЧЖ “O’zERA ClimateControl” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида Бош директор вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Нодиржон Аҳмедов раҳбарлигидаги “O’zERA Climate Control” қўшма корхонасида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг совутиш, иситиш ва кондиционерлаш модулларини оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. У ўзи ва ходимларига нисбатан талабчанлиги, ишга масъулият билан ёндашиши, изланувчанлиги билан жамоа ўртасида обрў-эътиборга эга.

Оилали, уч фарзанднинг отаси.  
**Нодиржон Раҳматович Аҳмедов 102-Кува сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Шерзод Абдураҳимович Раҳимов**

1984 йилда Фарғона вилояти Кува туманида туғилган. 2007 йилда Фарғона давлат университети бакалавр ва магистратура босқичларини тамомлаган. Мутахассислиги — тарихчи, ЎзМТДП аъзоси.

2011 йилдан бошлаб “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши раиси лавозимини фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Ёшларнинг бўш вақтларини

## Ватан келажиги — ёшлар билан

мазмунли ўтказиш, уларни мавсумий иш билан таъминлаш мақсадида вилоятдаги 157 та касб-хунара коллеж ва академик лицейларда “Бунёдкор” ЁМХ ташкил этилиб, 2012-2013 йиллар давомида 5 мингдан ортиқ ёшлар бунёдкорлик ишларида жалб этилди ва уларнинг минг нафардан ортиғи доимий иш билан таъминланди, - дейди у. — ЎзМТДПнинг янги сайловолди Платформасида илгари сурилган ёш авлод келажиги билан боғлиқ қатор мақсад-вазифаларнинг фаолиятим, ўй-фикрларим билан ҳамроҳлиги сайловчилар билан бўладиган учрашувларда партия ғояларини тарғиб қилиш ва аҳоли ишончини қозонишда айнаи муваффақ бўлмоқда.

Шерзод Раҳимов Ҳаракатнинг Фарғона вилоят Кенгашига раҳбарлик фаолияти давомида “Соғлом муҳит — соғлом инсон” шiori остида ёшларнинг экологик маданиятини шакллантириш мақ-

садида турли ташкилотлар ҳамкорлигида Фарғона туманида “Ёшлар экобоғи”, Куваасой шаҳар марказида “Камолот боғи”, Сўх туманида “Камолот экобоғи”, Олтириқ туманида мини футбол майдончаси ташкил этилишида бош-қош бўлди. Фарғона шаҳри Сайилгоҳ кўчасида реконструкция этилган “Ёшлар маркази” ҳамда Мустақиллик кўчасида қад ростлаган “Камалак” болалар ўқув марказининг қурилиш-таъмирлаш, ташкилий ишларида бевосита раҳбарлик қилди.

Шерзод Раҳимов ёш авлоднинг маънавий ва жисмонан бақувват бўлиб етиштирилишида кўрсатган фаол хизматлари учун кўплаб фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

Оилали, бир фарзанднинг отаси.

**Шерзод Абдураҳимович Раҳимов 99-Фарғона сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Одилбек Турсунович Ҳазратқулов**

Хуқуқ назарияси ва амалиёти соҳасида кенг билимга эга Одилбек Ҳазратқулов мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этишга интилади. У мутахассис сифатида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг суд-хуқуқ йўналишида белгиланган мақсади, — низоларни судга ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш борасида амалий тақлифларини илгари суриб келмоқда.

## Назария ва амалиёт бирлиги

Одилбек Ҳазратқулов 1976 йилда Фарғона вилоятида туғилган. 2002 йилда Тошкент давлат юридик институтининг бакалавр, 2005 йилда Ўзбекистон Миллий университети магистратура босқичларини тамомлаган. ЎзМТДП аъзоси.

2002-2009 йилларда Тошкент давлат юридик институти халқаро хусусий хуқуқ кафедрасида стажёр-тадқиқотчи, ўқитувчи, катта ўқитувчи, 2009 йилдан доцент вазифасини бажарувчи, 2013 йилдан ҳозирги кунга қадар шу кафедранинг доценти лавозимини фаолият кўрсатиб келмоқда.

Одилбек Ҳазратқулов янги фан дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фаол иштирок этади. Унинг 40 дан ортиқ ўқув-услубий ва илмий ишлари эълон қилинган. Битта монография, 2 та ўқув қўлланма, 6 та ўқув-услубий рисола, 2 та ўқув дастури чоп этилган. Жумладан, унинг ҳаммуаллифлигидаги “Ҳорижий мамлакатлар фуқаролик ва савдо ҳуқуқи”, “Рим ҳуқуқи”, “Халқаро хусусий

ҳуқуқ” ва “Халқаро савдо ҳуқуқи” ҳамда “Халқаро молиявий лизинг шартномаси” ўқув қўлланмаларидан дарс жараёнларида кенг фойдаланилаётган.

2006 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган Одилбек Ҳазратқулов айнаи пайтда докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг амалий гранти лойиҳасини қўлга киритган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда “Лизинг тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жараёнида ўз тақлифлари билан фаол қатнашган.

Оилали, икки фарзанднинг отаси.

**Одилбек Турсунович Ҳазратқулов 103-Бувайда сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Тиббий маданият — саломатлик гарови



**Дилоромхон Адхамовна Тошболтаева**

1959 йилда Фарғона вилояти Фарғона туманида туғилган. 1982 йилда Тошкент медицина-педиатрия институтини тамомлаган. Мутахассислиги — педиатр, ЎзМТДП аъзоси.

Дилоромхон Тошболтаева меҳнат фаолиятини 1982 йилда Фарғона шаҳар болалар шифохонасида бошлаган. 1984 йилдан Фарғона тумани “Шоҳимардон” кишлоқ врачлик пунктида педиатр, мудир вазифаларида ишлаб

келмоқда. Олий тоифали шифокор кишлоқ врачлик пунктида даволаш ва ташхис қўйиш, тиббий профилактика ишларини ташкил этишда фаол қатнашмоқда. Айниқса, касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхислаш ва замонавий стандартлар асосида даволаш ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари тўғри ташкил этилгани туфайли кишлоқ аҳолиси ўртасида касалланиш ҳолатлари камайди. Бунда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, юрак-қон томирлари касалликлари, камқонлик, болалар ўткир нафас йўллари касалликларининг олдини олиш мавзуларида тарғибот ишлари муҳим ўрин тутди. Бундай тадбирларда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ва соғлом оилани шакллантириш борасидаги устувор вазифалар, соғлом турмуш тарзининг муҳим тамойиллари тарғиб этилаётган.


— Юртимизда тиббий-ижтимоий жабҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар инсон манфаатларини таъминлаш, халқимиз саломатлигини муҳофаза-лаш, соғлом ва баркамол авлод-

ни камолга етказишда муҳим омил бўлаётган, - дейди у. — Партиямиз томонидан жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, соғлом турмуш тарзи — саломатлик гаровидир. Бу борада партиямиз аҳолининг тиббий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш ғоясини илгари суради. Ўз фаолиятим давомида ЎзМТДПнинг соғлиқни сақлашга оид мақсад-вазифаларини амалга оширишга, шунингдек, соҳанинг хуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга ҳисса қўшишни мақсад қилганман.

Дилоромхон Тошболтаева 2001 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” фахрий унвони билан тақдирланган.

Оилали, уч фарзанднинг онаси.

**Дилоромхон Адхамовна Тошболтаева 100-Водил сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Мирзохид Муродилович Убайдуллаев**

1976 йилда Фарғона вилоятида туғилган. 1999 йилда Фарғона политехника институтини, 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Олий бизнес мактабини тамомлаган. ЎзМТДП аъзоси.

2010-2014 йилларда Фарғона вилояти бўйича Фазначилик

## Тежамкорлик — муҳим омил

бошқармасининг бошлиғи лавозимида ишлаган. Бу давр мобайнида фазначиликнинг худудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этишда ўзининг билим ва тажрибаси билан катта ҳисса қўшган. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида худудий ҳамда республика газна ҳисоб-варақларидан фойдаланган ҳолда Давлат бюджети газна ижросини таъминлашда фаол қатнашган. 2014 йилдан Фарғона вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Сув ҳўжалиги ташкилотлари истеъмол қиладиган электр энергияни тежаш ташаббуси билан чиқиб, бунинг натижасида 2008-2013 йиллар давомида бюджет маблағларини 65,2 миллион сўм миқдорини иқтисод қилинишига эришилди.

— Сайловда сайловчилар олди-га аниқ, ишонарли ваъдалар билан чиқиб, уларни амалга оширишни ният қилдим, - дейди у. —

Шунингдек, партиямиз сайловолди Платформасида ҳам мамлакатимиз пойтахти ва худудлари, шаҳар ва кишлоқларни ўзаро уйғун ҳолда ривожлантиришга, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда худудлар бўйича айрим номуносивчиликларга барҳам бериш ғоялари илгари сурилгани келажакдаги мақсадларимга ҳамоҳангдир.

Мирзохид Убайдуллаев Фарғона вилояти маҳаллий бюджетнинг даромадлари ва харажатлари режасини вилоят, шаҳар ва туманлар кесимида тўғри белгиланишини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Оилали, бир фарзанднинг отаси.

**Мирзохид Муродилович Убайдуллаев 104-Куваасой сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Каримберди Шодмонович Дармонов**

1969 йилда Фарғона вилояти Ёзёвон туманида туғилган. 1996 йилда Тошкент давлат иқтисодий университетини иқтисод мутахассислиги бўйича тамомлаган. ЎзМТДП аъзоси. 2012 йилдан шу кунга қадар Ёзёвон туман ҳокимининг иқтисодий-ижтимо-

## Фаол ва ташаббускор

ий масалалар бўйича ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Каримберди Дармонов Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирилари Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарор ва фармонлар ижросини таъминлаш, туман ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, бу борада қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатмоқда. Шунингдек, туман аҳолиси, айниқса, касб-хунара коллежлари биттириувчиларини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратишда муносиб ҳиссаси бора.

У туманнинг инвестиция клими ҳамда маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини янада ошириш борасида кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан вилоят ҳокимлиги ва бошқармаларига тақлифлар бериб бо-

ради. Унинг ташаббуслари Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси мақсадлари-га муштарак. Чунки миллий маҳсулотлар сифати ва турини кўпайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, халқаро бозорда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остидаги маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш каби вазифалар партия фаолиятида муҳим ўрин тутди.

Каримберди Дармонов тўғрисида, қатъиятли ва ташаббускор ходим сифатида ўз жамоаси хурматини қозонган.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси.

**Каримберди Шодмонович Дармонов 101-Тошқоқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Муҳаббат Норбоевна Тўрабоева**

1975 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида туғилган. Нукус давлат педагогика институтини (2011 й.) тамомлаган. Мутахассислиги — ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. ЎзМТДП аъзоси.

2008 йилдан буён Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Хоразм вилоят Кенга-

## Ижодкор ва зиёли аёл

ши Ижроия Кўмитасида етакчи мутахассис бўлиб ишлаш билан биргаликда “Ишонч” газетасининг Хоразм вилояти бўйича махсус муҳбири сифатида ҳам фаолият кўрсатади.

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси миллий мустақиллик ғояларига содиқ, жаҳон моддий ва номоддий меросининг ажралмас бўлаги ҳисобланган Ўзбекистон халқининг маданияти, анъанавий ва миллий-маънавий қадриятларини чуқур эъзозлайдиган ватанпарвар инсонларни ўз сафида бирлаштиради ва ўз фаолиятида уларнинг манфаатини ифодалайди, - дейди Муҳаббат Тўрабоева.

Муҳаббат Тўрабоева ана шу хусусиятларнинг бари мунассама. Меҳнат фаолиятини 1992 йили бошлаган ижодкор ташкилотчилиги, янгиликка интилиши, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нис-

батан фуқаролик ва журналистик позицияси, сиёсий билим ва малакага эгалиги билан ажралиб туради. Унинг ёшлар орасида соғлом турмушни тарғиб қилишга қаратилган бир қатор лойиҳалари Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грантига сазовор бўлган. “Энг улғу, энг азиз”, “Инсонга наф келтириш - олий бахт”, “Йилнинг энг фаол журналисти-2011” республика кўрик-танловларининг ғолиби, соғлом ҳаёт тарафдори.


Оилали, икки фарзанднинг онаси.

**Муҳаббат Норбоевна Тўрабоева 105-Урганч сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Умарбек Эгамбердиевич Дўшанов**

Ёш бўлишига қарамай, ўзининг илмий тадқиқот ишлари билан юртимиз илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшишга интилаётган Умарбек Дўшанов экология ва табиатшунослик соҳасида илмий изланишлар олиб бормоқда. У 1984 йилда Хоразм вилоятининг Хонқа туманида туғилган. 2006 йилда Тошкент давлат аграр университетининг биоэкология факультетини тамомлаган. ЎзМТДП аъзоси.



**Иноят Саъдуллаевич Ҳажиев**

1974 йилда Урганч туманида туғилган. 1996 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил санаят институтини ва 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис иқтисодчи.

Иноят Ҳажиев ўз меҳнат фаолиятини 1996 йилдан "Ўзбекинвест" экспорт импорт миллий сўғурта компаниясида бошлаган. Кейинги йил

## Миллий тараққиёт — устувор мақсад



**Сарвар Саъдуллаевич Отамуратов**

1973 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1995 йилда Тошкент давлат университетининг фалсафа-иқтисод факультети социология бўлимини, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия Академиясини, 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Мутахассислиги-социолог, иқтисодчи, халқаро муносабатлар магистри.

## Малакали мутахассис — юрт таянчи



**Бахтияр Шарифбаевич Ражабов**

1975 йилда Хоразм вилоятининг Урганч туманида туғилган. 1996 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил санаят институтини, 2002 йилда Тошкент иқтисодиёт университетини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

## Экология — ёшлар нигоҳида

У меҳнат фаолиятини 2006 йилда Урганч туманидаги "Урганч соҳибкор" ММТП директорининг ёрдамчиси вазифасидан бошлаган. 2007-2010 йилларда Урганч давлат университети табиатшунослик факультетида лаборатория мудири бўлиб ишлади. 2010-2012 йилларда Урганч давлат университети магистранти, 2012 йилдан буён Урганч давлат университети барқарор тараққиёт ва экологик таълим кафедрасида ассистент-ўқитувчи, табиатшунослик ва география факультети маънавият ва маърифат ишлари бўйича декан муовини лавозимида ишлаб келмоқда.

— Мамлакатимизда табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитга инсон омилнинг салбий таъсирини камайтириш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтиришга катта эътибор қаратилаётди, - дейди у. — Атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик муҳитни соғломлаштириш, бу борадаги

қонунларнинг жойлардаги ижроси самарадорлигини ошириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, экологик таълимни ривожлантириш каби йўналишларда изчил ишлар олиб борилиши партия сайловолди Платформасида белгиланган экотуризмни ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Умарбек Дўшанов жамоа орасида тадқиқотчи ва ташкилотчи сифатида танилган. Республикада ва хорижий давлатларда ўтказилган илмий-амалий анжуманларда иштирок этиб, 10 дан ортққ илмий ва илмий-оммабоп мақолалари, услубий қўлланмалари эълон қилинган.

Оилали. Икки фарзанднинг отаси.

**Умарбек Эгамбердиевич Дўшанов 106-Богот сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Тажирибали иқтисодчи

ларда Хоразм вилояти Урганч тумани Оқолтин ширкат ҳўжалиги иқтисодчиси, вилоят ҳокимлигининг Инвестиция бошқармаси бош мутахассиси, вилоят Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси раҳбарият котибияти етакчи мутахассиси, вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳининг етакчи мутахассиси, вилоят Молия бошқармаси 1-тоифали мутахассиси, Молия вазирлигининг Хоразм вилояти бўйича Назорат-тафтиш бошқармаси 1-тоифали назорат-тафтишчиси, ташкилий-услубий ишлар бўлими бошлиги, 2006-2011 йилларда мазкур бошқарма бошлигининг ўринбосари каби лавозимларда ишлади. 2011 йилдан шу кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Хоразм вилояти бошқармаси бошлиги лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Иноят Ҳажиев пенсия таъминоти оид Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва қонунности ҳужжатларидан келиб чиқадиган талабларнинг


сифатли бажарилишини таъминлашда, вилоятда пенсия таъминоти тизimini такомиллаштиришда катта ҳисса қўшиб келмоқда. Мамлакатимизда молия, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда қонунчиликдаги янгиликларни кенг тарғиб этишга қаратилган тарғиб-ташвиқот ишларида фаол иштирок этаяпти. Мазкур соҳада қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича ўз тақлиф, мулоҳазалари билан кенг жамоатчиликка таниш.

У ЎзМТДП аъзоси сифатида ўз фаолияти билан партиямиз сайловолди Платформасининг ижтимоий, иқтисодий йўналишларидаги қатор мақсад-вазифаларнинг ҳаётга жорий этилишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Оилали, уч фарзанднинг отаси.

**Иноят Саъдуллаевич Ҳажиев 107-Гурлан сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Табиатни асраш — келажакни асраш



**Жуманазар Озодович Отажонов**

1976 йилда Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетини 1998 йилда физика, 2004 йилда иқтисодчи мутахассисликлари бўйича тамомлаган. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. ЎзМТДП аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1998 йилда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши қошидаги Ёшлар муаммолари институтини



**Шухратжон Джуратович Назаров**

Мамлакат ободлиги ва ривожига муносиб ҳисса қўшиш учун ўзининг бор билим ва малакасини амалда татбиқ этишни мақсад қилган Шухратжон Назаров 1969 йилда Хива шаҳрида туғилган. 1993 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини, 2003 йилда



**Дилфуза Каримовна Жалилова**

1967 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган. Қарши давлат педагогика институтини (1991 й.) тамомлаган. Мутахассислиги — биолог. ЎзМТДП аъзоси.

Дилфуза Жалилова ҳозирда Қарши давлат университети қоши



**Гулноза Саъдуллаевна Узоқова**

— Илм-фан ҳар қандай давлатнинг муҳим капиталли бўлиб, кўп жиҳатдан унинг бугунги куни ва келажакни белгилайди. Мамлакатимизда илм-фан билан боғлиқ ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга қаратилган давлат илмий-техникавий сийосатининг амалга оширилаётган иқтисодиёт реал сектори тармоқлари ва, умуман, мамлакатимизни ривожлантиришга

етақчи мутахассис вазифасидан бошлаган. 1999-2009 йилларда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг ташкилий-услубий ва кадрлар масалалари бўлими референти, бош мутахассиси, бўлим мудири, 2009-2010 йилларда Ташкилий, кадрлар ва ахборот-таҳлил масалалари бўйича раис ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатган. Шунингдек, 2008-2009 йилларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари бўлими бошлиги сифатида ишлаган.

Жуманазар Отажонов 2009 йилда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган. 2010 йилдан буён Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси бўйича амалдаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда қонунларнинг ижро этилиши ҳолатини ўрганишда фаол иштирок этмоқда. Жуманазар Отажонов "Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республика-

сининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг ташаббускорларидан саналади.

Шунингдек, депутат "Географик объектларнинг номлари тўғрисида", "Экологик назорат тўғрисида", "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26 ва 27-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида", "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ва бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаларини тайёрлаш ва маромига етказишда ишчи гуруҳи аъзоси сифатида фаол иштирок этди.

Ақоли турмуш сифати ва қўлайликларини ошириш ЎзМТДПнинг ижтимоий соҳадаги асосий вазифаларидан саналади. Жуманазар Отажонов ҳам ўз фаолияти давомида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, 200 га яқин фуқаролар мурожаатларини ижобий ҳал қилишга эришган.

Оилали, уч фарзанднинг отаси.

**Жуманазар Озодович Отажонов 110-Хива сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ишбилармон ва омилкор

Москва давлат гуманитар университетини, 2006 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Олий бизнес мактабин тамомлаган. Мутахассислиги — қишлоқ хўжалигини механизациялаш, юриспруденция. ЎзМТДП аъзоси.

1993-2010 йилларда "Yuggazstroy" очик акциядорлик жамиятига қарашли 3-сон қурилиш монтаж бошқармасида механик, таъмирлаш ва механика цехи бошлиги, участка бошлиги, иш бошқарувчиси, бош муҳандис, ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари вазифаларида ишлаган. Изланувчанлиги ва меҳнат-қашлиги туфайли 2010-2013 йилларда "Хиванефтогазурилик" унитар корхонаси директори, 2013-2014 йиллар "Yuggazstroy" очик акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари вазифаларида ишлади.

2014 йилдан бошлаб "Urgench-gaztmash" масъулияти чекланган жа-

мияти директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Шухратжон Назаров қайси лавозимда ишлаганини, юксак билими ва салоҳияти, ташкилотчилиги, янгиликка интилиши, ҳодимларга бўлган муносабати, бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил фикри, сиёсий етуқ, кенг билим ва тажрибага эга эканлиги билан ҳурмат қозонди. Бор иқтидорини партия голярига ҳамоҳанг тарзда халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга йўналтиришни мақсад қилган.

У раҳбарлик қилаётган "Urgench-gaztmash" масъулияти чекланган жамияти айни кунда машиини пропан газ баллонлар ва биогаз қурилмаларини ишлаб чиқариб, бу борада истиқболли режаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Оилали. Уч фарзанднинг отаси.

**Шухратжон Джуратович Назаров 111-Шовот сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Мураббий ва раҳбар

даги 1-академик лицейга раҳбарлик қилиб келмоқда.

— Миллий ўзликини англаш ва миллий тикланиш орқали ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бош мақсади ҳисобланади, - дейди Дилфуза Жалилова. — Айниқса, олим ва мутахассисларнинг бу борадаги лойиҳа, гоё ва ишланмалари партия эътиборидан четда қолмаган.

Дилфуза Жалилова "Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари!" шиорига қатъий амал қиладиган партиядошларимиздан. Хамкасблари орасида талабчан, ташкилотчи ва тиришқок мураббий сифатида ҳурмат-эътибор қозонган бу аёл ўз билиминини ошириш устида тинимсиз ишлайди. Айнан унинг тақлифига кўра Ўзбекистонда илк бор нефть-газ санаяти худудлари орнитофаунаси Шўртан ва

Муборак газни қайта ишлаш заводлари мисолида ўрганилди. Мазкур тадқиқот ишига бағишланган ўнлаб илмий мақолалари чоп этилган.

Айни пайтда Дилфуза Жалилова республика Хотин-қизлар қўмитаси бошқаруви аъзоси. Қашқадарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги "Раҳбар аёллар" клубига етакчилик қилмоқда.

Дилфуза Жалилова ёш авлод тарбиясига қўшган ҳиссаси учун "Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими аълочилиги", шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига 20 йил" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Оилали, уч фарзанднинг отаси.

**Дилфуза Каримовна Жалилова 112-Қарши сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Фан тараққиёти йўлида

хизмат қилаётди, - дейди Гулноза Узоқова. У 1966 йилда Қашқадарё вилояти Камаш туманида туғилган. 1988 йилда Қарши давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — физик. ЎзМТДП аъзоси.

Гулноза Узоқова меҳнат фаолиятини 1988-1991 йилларда Қарши давлат педагогика институтини лаборант вазифасидан бошлаган. 1991-1993 йилларда физика ўқитиш методикаси кафедрасида ўқитувчи, 1993-1995 йилларда ЎзРФА Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтини стажёр-тадқиқотчи, 1995-1997 йилларда Қарши давлат университетини аспирант бўлган. 1997 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, педагогика фанлари номзоди илмий даражасига, 2003 йилда доцент илмий унвонига эга бўлди. 2001-2007 йилларда кафедра доценти, мудири, айни пайтда университет хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Илмий-педагогик фаолияти давомида битта монография, ўндан ортққ ўқув-услубий қўлланмалари чоп этил-

ган. Ўқитадиган фанларига доир ўқув-услубий мажмуалар, намунавий ва ишчи дастурлар тайёрлаш билан бирга 70 дан ортққ илмий мақолалари чет эл ва республикаимиз нуфузли журналлари ва тўпламларида чоп этилган. Ҳозирги кунда докторлик диссертацияси мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

"Юртимизда ёшларнинг замонавий андозалар даражасида таълим олиши, ўзи танлаган соҳанинг етуқ мутахассиси бўлиши, жумладан, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириши учун барча шароитлар яратилган. Бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиш бурчимиздир", деб ҳисоблайди Гулноза Узоқова. 2011 йилда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Оилали, икки фарзанднинг отаси.

**Гулноза Саъдуллаевна Узоқова 113-Бешкент сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

Фуқаролар муурожаати доимий эътиборда



Урал Хайтов 1956 йилда Қашқадарё вилоятининг Қашаши туманида туғилган. 1979 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти Қарши филиалида кафедра ассистенти, катта ўқитувчиси, кейинги йилларда Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти аспирантура ва илмий бўлими мудири, кафедра доценти, мудири лавозимларида фаолият кўрсатган. 2001-2009 йилларда мазкур институтнинг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича ректор ўринбосари бўлган. Фаолияти давомида 65 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий мақолалари чоп этилган. Шундан, ихтиролар сони 8 та бўлиб, уларга Ўзбекистон ва Россия давлатлари патентлари берилган. 2011 йилда "Шўхрат" медали билан тақдирланган.

қишлоқ ҳўжалиги сиртки таълим институти аспиранти, 1986-1995 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти Қарши филиалида кафедра ассистенти, катта ўқитувчиси, кейинги йилларда Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти аспирантура ва илмий бўлими мудири, кафедра доценти, мудири лавозимларида фаолият кўрсатган. 2001-2009 йилларда мазкур институтнинг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича ректор ўринбосари бўлган. Фаолияти давомида 65 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий мақолалари чоп этилган. Шундан, ихтиролар сони 8 та бўлиб, уларга Ўзбекистон ва Россия давлатлари патентлари берилган. 2011 йилда "Шўхрат" медали билан тақдирланган.

ларда ижро этилиши ҳолатини ўрганишда фаол иштирок этиб келмоқда. Қўнчилик палатасида турли вазирликлар ва компанияларнинг ўз йўналишларидаги фаолияти юзасидан парламент эшитувларини ташкил этиш ва ўтказишда ташаббускорлардан. Урал Хайтов Ўзбекистон Республикасининг таълим, туризм, маданий мерос объектлари муҳофазаси ва бошқа соҳаларга оид қатор қўнунлар ҳамда Давлат дастурларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганишда ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, у жамоатчилик билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, ўз сайлов округида 106 маротаба учрашув ўтказди, фуқароларнинг 276 та муурожаатини кўриб чиқди. Депутатнинг бу каби саяҳатлари, ўз навбатида, партия ижтимоий қатлами ва электорати манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилгани билан аҳамиятлидир. У бадий ижод билан ҳам шуғулланади. Унинг "Аросат қояси" номли хикоялар тўплами ва "Одамбой" қиссаси чоп этилган. Оилали, тўрт фарзанднинг отаси. Урал Хайтов 114-Қашаши сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

Юксак салоҳият, бой тажриба соҳиби



Акмал Холматович Саидов 1958 йилда Тошкент вилоятининг Зангиота туманида туғилган. 1981 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Юридик фанлар доктори, халқаро ва қиёсий ҳуқуқ профессори. ЎзМТДП аъзоси. Акмал Саидов 1985-1994 йиллар мобайнида Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими, сектор мудири ва директори, Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг илмий котиби, Ўзбекистон Ёшлар ташкилотлари кўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институти директори ҳамда Тошкент давлат юридик институти ректори лавозимларида фаолият юритган.

Мустақил Ўзбекистоннинг илк дипломатларидан саналадиган Акмал Саидов 1994-1996 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва муқтор элчиси, шунингдек, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий вакили сифатида фаолият кўрсатган. 1996 йилдан буюн Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати этиб сайланган. Депутат 2000 йилдан буюн Қўнчилик палатаси Демократик институти, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси. Акмал Саидов Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизими асосларини шакллантиришда фаол иштирок этиб, унда партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга доир вазифаларини акс эттиришга интиломоқда. У Ўзбекистон Республикаси Конституциявий комиссиясининг аъзоси, сайловга оид қўнунлар, демократик институтилар (омбудсман, референдум, фуқаролар муурожаатлари), нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтилари тўғрисидаги қўнунларнинг ташаббускори ва ижодкорларидан. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти бошқа институтиларини қўлла-

қуватлаш жамоат фонднинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг раиси, "Ўзбекистон - Бельгия" депутатлар гуруҳи раиси ҳамда "Ўзбекистон - Европа Иттифоқи" парламентлараро ҳамкорлик бўйича кўмита аъзоси ҳисобланади. Акмал Саидов БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича кўмитаси эксперти бўлган. Шунингдек, Конституциявий ҳуқуқ халқаро ассоциациясининг ҳақиқий аъзоси, Халқаро қиёсий ҳуқуқ академиясининг мухбир аъзоси, Франция Қиёсий қўнуншунослик жамиятининг хорижий аъзоси, Осие ва Тинч океани минтақаси юристлари халқаро ассоциацияси ва Россия халқаро ҳуқуқ ассоциацияси аъзоси, Париж-1 Сорбонна Университетининг тақлиф этилган профессори. 30 та дарслик, ўқув қўлланмалар, 300 дан ортиқ рисола ва илмий мақолалар муаллифи. Асарлари АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Германия, Франция, Польша, Бельгия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Япония ва бошқа давлатларда чоп этилган. 100 дан ортиқ халқаро илмий анжуманлар иштирокчиси. 1998 йилда "Ўзбекистон белгиси" кўрак нишони, 2002 йилда "Меҳнат шўхрати" ва 2006 йилда "Дўстлик" орденлари билан тақдирланган. Оилали, икки фарзанднинг отаси. Акмал Холматович Саидов 117-Қашаши сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

Тарғиботчи журналист



Усмон Нусратович Нусуров 1972 йилда Қарши шаҳрида туғилган. 1995 йилда Қарши давлат университетини, 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини, 2008 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. ЎзМТДП аъзоси. Усмон Нусуров иш фаолиятини 1989 йилда вилоят телерадиоэшитириш кўмитасида суҳандонликдан

бошлаган. 1990-2005 йилларда вилоят телерадиокомпаниясида кичик муҳаррир, муҳаррир, бош муҳаррир, 2005-2010 йилларда вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи вазифаларида ишлаган. 2010 йилдан буюн вилоят телерадиокомпанияси директори вазифасида фаолият юритиб келмоқда. Усмон Нусуров жамоада соғлом муҳитни шакллантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, телекўрсатув ва радиоэшитиришлар мазмундорлигини оширишда салмоқли натижаларга эришди. Унинг мазкур масъулиятли вазифада хизмат қилаётгани Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ахборот таъминоти соҳасидаги вазифаларининг ижро этилишида муҳим аҳамият касб этади. — Навқирон авлоднинг жисмонан соғлом ва маънавий-ахлоқий бўлиб вояга етишларида ОАВнинг аҳамияти беқиёс, - дейди у. — Шунинг учун ҳам ёшлар камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш,

болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш вазифаси ЎзМТДПнинг янги сайловолди Платформасидан ўрин эгаллаган. Усмон Нусуров вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаган йилларда 2006 йил Қарши шаҳрида ўтказилган "Умид низолилари", "Аёллар спартакиадаси" каби йирик спорт мусобақалари, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги тантаналарини ташкил этиш жараёнларида ташаббускорлик ва қўнбозлик кўрсатган. Усмон Нусуров 2011 йилдан халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати. 2012 йилда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлими раиси этиб сайланди. Усмон Нусратович Нусуров 115-Нишон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

Қатъиятли ва талабчан



Зафар Эшмаметов 1979 йилда Қашқадарё вилоятининг Чирочки туманида туғилган. Қарши давлат университети (2000 й.) ва Ўзбекистон Банк-молия академиясини (2006 й.) тамомлаган. Мутахассисли-

ги — молиячи. ЎзМТДП аъзоси. Зафар Эшмаметов 2013 йилдан буюн Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Қашқадарё вилояти бўлими бошқарувчиси лавозимида ишлаб келмоқда. — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аҳолининг электротат қисми бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш эвазига уларни иш билан таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишни ўзининг асосий вазифаларидан деб билади, - дейди Зафар Эшмаметов. — Чунинчи, шу кунга қадар партия банклар ҳамкорлигида электротатнинг ана шу қатламини қўллаб-қувватлабгина қолмай, уларга имтиёзли кредитлар олишда яқиндан қўмақ бермоқда. Зафар Эшмаметов вилоят хунарманд-

лари, оилавий бизнес билан шуғулланиш ниятида иш бошлаган тадбиркорлардан ўз ёрдамини аямай келяпти. Юқори малакали мутахассис, ўзи ва жамоадоларига нисбатан талабчан, қатъиятли ҳамда ташкилотчилик қобилиятига эга раҳбар сифатида ҳамкасбларининг ишончи ва ҳурматини қозонган. Унинг мақсади мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга қўмақдош бўлиш, Ўзбекистон миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилаётган фаол ташқи иқтисодий стратегияни қўллаб-қувватлашдир. Оилали, тўрт фарзанднинг отаси. Зафар Қабуллович Эшмаметов 119-Чирочки сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

Инновацион таракқиёт йўлида



Алишер Саифуллаевич Мустафаев 1967 йилда Қашқадарё вилоятининг Косон туманида туғилган. 1990 йилда Тошкент политехника институти "Нефть ва газ конларини ишга тушириш технологияси ва комплекс механизациялаш" мутахассислиги бўйича тугатган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси. Алишер Мустафаев иш фаолиятини 1990 йилда "Қултоқ-Помук" коднда технология қурилма кузатув-

чиси вазифасидан бошлади. У меҳнат фаолияти давомида ўзини меҳнатсевар, ишбилармон инсон сифатида кўрсатди. Қисқа муқдат ичида нефть ва газ қазиб чиқариш сир-синаотларини чуқур ўрганиб, етуқ мутахассис ходимлар қаторидан ўрин олди. У "Қўқдумалок", "Зеварда", "Денгизқўл", "Ўртабулок", "Помук" конларидаги компрессор станциялари қурилишида ва ишга туширилишида ҳам ўзининг муносиб хиссасини кўшган. Алишер Мустафаев кўплаб ёшларга билим ва тажрибасидан келиб чиқиб соҳанинг сир-асрорларини ўргатиб, уларнинг малакали мутахассис бўлиб етишишида ўз хиссасини кўшиб келмоқда. — Бугун мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча йўналишлари қатори кончилик саноатини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, - дейди у. — Натигада, янги истиқболли нефть, газ, кўмир конлари очилди. Бу иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг ана шу маҳсулотларга бўлган эҳтиё-

жини қондириш, жаҳонга экспорт қилиш имконини бермоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, ЎзМТДП янги сайловолди Платформасида Ўзбекистоннинг жаҳондаги иқтисодий ва индустриал жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этишга кўмаклашиш белгиланган. Олий Мажлис Қўнчилик палатасига депутат этиб сайлансан, партиямизнинг ана шу йўналишдаги мақсад-вазифаларини амалга оширишга хисса қўишни мақсад қилиб кўйдим. Оилали, уч фарзанднинг отаси. Алишер Саифуллаевич Мустафаев 116-Қашаши сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

Хунармандларнинг яқин кўмақдоши



Исроил Иброхимович Амонов — ЎзМТДПнинг банклар билан ҳамкорликдаги хунармандларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаси минглаб ёшларнинг имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бош-

лаш ва ривожлантиришига кўмақ берди, - дейди Исроил Амонов. — Партиянинг янги сайловолди Платформаси иқтисодиёт соҳасидаги устувор вазифаларининг рўёби халқимиз турмушининг янада фаровонлашишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Исроил Амонов 1972 йилда Қарши шаҳрида туғилган. 1995 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратура босқичини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи. ЎзМТДП аъзоси. Исроил Амонов меҳнат фаолиятини дастлаб 1995 йил "Фаллабанк"нинг Қашқадарё вилоят филиали кредит-режа бўлимида бошлади. 1998 йилдан "Фаллабанк" Қашқадарё минтақавий филиалида пул муомаласи ва қўмақбахо қозғалар бўлими, 1999 йилда кредит-режа бўлимининг бошлиғи вазифаларида меҳнат қилди. Банк бошқаруви Исроил Амоновнинг ташкилотчилиги ва ўз билимини ошириш устида тинмай ишлашини, бошқа-

рув қобилиятига эгаллигини ҳисобга олиб, 2004 йилда "Фаллабанк"нинг Яқкабоғ тумани филиалига раҳбар этиб тайинланди. Илмий салоҳиятини янада ошириш ва банкни бошқаришнинг замонавий ҳамда халқаро талабларини ўрганиш мақсадида банк бошқаруви тавсиясига асосан, 2005 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратурасига қабул қилинди ва банк иши соҳасида магистрлик илмий даражасига эга бўлди. У 2008 йилда "Фаллабанк" Қашқадарё минтақавий филиалига бошқарувчи лавозимига тайинланди. Мазкур банк филиали 2009 йил апрель ойидан бошлаб "Қишлоқ қурилиш банк" Қашқадарё минтақавий филиалига айлантирилди ва Исроил Амонов ишбу филиални буғунги кунга қадар самарали бошқариб келмоқда. Оилали, беш фарзанднинг отаси. Исроил Иброхимович Амонов 120-Шахрисабз сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

Миллий қадриятлар — бойлигимиз



Хосият Нормўминовна Махманова 1973 йилда Қашқадарё вилоятининг Чирочки туманида туғилган. 1995 йилда Қарши давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги —

тарихчи, жамиятшунослик ва давлат ҳуқуқи асослари ўқитувчиси. ЎзМТДП аъзоси. Хосият Махманова 2011 йилдан буюн Қарши давлат университетининг миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси мудири вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Хосият Махманова миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедрасидаги маънавий муҳитни янада мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчиларнинг ўз вазифаларини муфассал бажаришлари, ўқув фаолиятининг тизимли равишда амалга оширилишига эришди. Унинг ташаббуси билан кафедрада замонавий ўқув-услубий ҳужжатлар макмуи, электрон адабиётлар фонди яратилмоқда. Кейинги уч йилда кафедра университетнинг энг яхши кафедраларидан бирига айланди. Хосият Махманова педагогик фаолият билан бирга жамоатчилик

ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Вилоят ва республика оммавий ахборот воситаларида унинг маънавий-маърифий, тарбиявий мавзулардаги мақолалари чоп этилган. У сайловчилар билан учрашувларда партиямиз Платформасида белгиланган тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бойишти ва янада кўпайтиришга кўмаклашиш каби ғояларни тарғиб-ташвиқ қилмоқда. Хосият Махманова ёш авлодни тарбиялаш борасидаги хизматлари учун бир неча бор фахрий ёрлиқ билан муқофотланган. Оилали, бир фарзанднинг онаси. Хосият Нормўминовна Махманова 118-Китоб сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

Ишончни оқлаш масъулияти



Камолитдин Каримов 1981 йилда Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз туманида туғилган. 2002 йилда Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Мутахассислиги — журналист. ЎзМТДП аъзоси. Камолитдин Каримов 2002 йилдан "Қашқадарё" газетасида муҳбир, "Қашқадарё ёшлари" газетасида махсус муҳбир, вилоят телеради-

окомпаниясида мухбир, "Қашқадарё" газетасида бўлим муҳаррири, бош муҳаррир вазифасини бажарувчи, "Қашқадарё" ва "Новости Кашқадарё" газеталари бош муҳаррири вазифасини бажарувчиси сифатида фаолият кўрсатди. 2013 йилдан буюн "Қашқадарё" ва "Новости Кашқадарё" газеталарида бош муҳаррирлик қилиб келмоқда. Камолитдин Каримов ўз мақолалари ва фаолияти билан мустақиллик йилларида эришилган кенг миқёсли ютуқларни таъсирчан тарзда тарғиб этмоқда. Ёшларни жамиятнинг янги-янгиланишига хисса қўишига, янги ютуқларга илҳомлантириш, тажриба ва ютуқларни ёйишда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатмоқда. Камолитдин Каримовнинг матбуот соҳасида бевосита хизмат қилаётгани ЎзМТДПнинг сайловолди дастурида белгиланган аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларидан фуқароларнинг юқори даражада ахборотга эга бўлишини таъминлаш, ягона миллий ахборот маконини шак-

ллантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга хизмат қилиши шубҳасиз. У фаолият кўрсатиб келаятган "Қашқадарё" газетаси тахририяти 2007 йилда журналистика соҳасида "Олтин қалам" Миллий муқофоти халқаро танловининг Бош миллий муқофотига сазовор бўлди. Камолитдин Каримов айни пайтда халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги муассислигидаги "Қашқадарё" ва "Новости Кашқадарё" газеталарининг савияси ва сифатини, чоп этилаётган мақолалар таъсирчанлигини ошириш, тахририят фаолиятида ҳолислик ва ҳаққонийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Оилали, икки фарзанднинг отаси. Камолитдин Каримович Каримов 122-Ғузор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

## Ваколат ва вазифа масъулияти



**Улуғбек Насриддинович Мухаммадиев**  
1971 йилда Қашқадарё вилоятининг Яққабоб туманида туғилган. 1993 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг фалсафа факультетини тамомлаган. Мутахассислиги - файласуф. Сийёсий фанлар номзоди.  
Улуғбек Мухаммадиев меҳнат фаолиятини 1993 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг фалсафа факультетини тамомлаган. 1994-1997 йилларда Ўзбекистон Миллий университетининг аспирантурасида таҳсил олиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1997-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг илмий ходими, катта илмий ходими вазифарларида, 2004-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ишлади. 2005-2010 йилларда Минтақавий сиёсат жамғармаси эксперти, бош эксперти, котибият раҳбари, директори лавозимларида фаолият олиб борди.  
Улуғбек Мухаммадиев 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган. 2010 йилдан буён Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. У депутат сифатида қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида назарда тутилган бир қатор қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда ўз ҳиссасини қўшди. Қонунчилик палатасидаги фаолияти давомида бир қатор халқаро конференциялар, давра сўхбатлари ва семинарларда ўз маърузалари билан қатнашди. У Олий Мажлисининг "Ўзбекистон - Италия" парламентлараро алоқалар гуруҳи раҳбари.  
Улуғбек Мухаммадиев раҳбарлигида фракция аъзолари икром этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан самарали парламент назорати орқали партия электорати манфаатларини қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этишди. Депутат сифатида у ўз сайлов округида сайловчилар билан 60 дан ортиқ учрашувлар ўтказиб, 100 дан зиёд сайловчиларнинг муносабатларини кўриб чиқди ҳамда уларнинг ижобий ҳал этилишига қўмақлашди.  
Улуғбек Мухаммадиев Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари сифатида партия ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, партиянинг мақсад-вазифаларини амалга оширишда кадрлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада бир қатор ижобий ишларни амалга оширди.  
Улуғбек Мухаммадиев фуқаролик жамияти институтлари, сийёсий партиялар ҳамда парламент фаолиятига оид 100 дан ортиқ мақолалар ҳамда бир қатор қўлланмалар муаллифи. Унинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки ва меҳнатлари муносиб тақдирланиб, 2014 йилда "Дўстлик" ордени билан мукофотланган.  
Оилали, уч фарзанднинг отаси.  
**Улуғбек Насриддинович Мухаммадиев 121-Яққабоб сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**




**Мастура Акромовна Мустафоева**  
Саломатлик — туман бойлик, дейишади. Шу боис, бу бойликни асраш учун соҳа ходимлари — шифокорлардан алоҳида масъулият, фидойилик талаб этилади. Ана шундай фазилатлар эгаси Мастура Мустафоева 1968 йилда Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманида туғилган. 1991 йилда Самарқанд тиббиёт институтининг да-

## Изланувчан, фаол ёш мутахассис



**Мухтабар Акбаровна Хусанова**  
1983 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 2003 йилда Тошкент давлат юридик университетининг бакалавр, 2005 йилда магистратура босқичларини тамомлаган. Мутахассисли-

## Молия-банк тизими билимдони



**Зиқрулла Шуқруллаевич Мухитдинов**  
1977 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1998 йилда Тошкент молия институтини, 2000 йилда Триер университети (Германия) иқтисодий магистри мутахассислиги бўйича тамомлаган. ЎзМТДП аъзоси.

ваколат ва вазифа масъулияти

ваколат ва вазифа масъулияти




**Азамат Зиёв**  
**Ҳамид ўғли**  
1963 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университетининг шарқ тиллари факультетини (1985 й.) тамомлаган. Форс, араб, инглиз тиллари ва адабиёти, Ўзбекистон, Шарқ халқлари тарихи бўйича мутахассис. ЎзМТДП аъзоси.

## Меҳнат бозори ривожини йўлида



**Нарғиза Турғуновна Шаюсупова**  
— Юртимизда тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ҳамда меҳнат бозорини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасида аҳолининг бандлик даражаси ошмоқда, - дейди Нарғиза Шаюсупова. — ЎзМТДП сайловолди Платформасида аниқ белгиланган миллий бозорни тараққий эттириш, маҳаллий ишлаб

## Банк мадади — равнақ кафолати



**Шуқурилла Гулямович Имамалиев**  
1960 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1982 йилда Тошкент политехника институтини, 1999 йилда Тошкент молия институтини тамомлаган. ЎзМТДП аъзоси.  
Шуқурилла Имамалиев ўз меҳнат фаолиятини 1982 йилда банкда бошлаган. У 1999-2005 йилларда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати сифатида фаолият олиб борган. Депу-

## Ташаббускор ва ишбилармон аёл



**Салиха Нигматова**  
**Патхуллаевна Нигматова**  
1960 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозирги Тошкент тиббиёт педиатрия институтини тамомлаган. Мутахассислиги — болалар шифокори. ЎзМТДП аъзоси.

## Қонун ташаббускори

Тарих фанлари доктори, профессор Азамат Зиёв турли йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиб, Ёшлар ишлари ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасига раислик қилган. 2010 йилдан ҳозирга қадар у мазкур қўмита аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.  
— Партия миллий ўзлигини англаш, ватандошларимизда миллий гуруру ва кадр-қиммат туйғуларининг мустаҳкам қарор топиши масалаларига ҳамisha катта эътибор қаратади, - дейди Азамат Зиёв. — "Биз киммиз? Аждодларимиз ким эди? Миллатимиз қандай фазилатларга таяниб, юксак марраларга эришди ва оламшумул шуқрат қозонди?" деган саволларга жавоб излаш партиянинг ҳамisha диққат-маркази бўлиб келган.  
Азамат Зиёв Олий Мажлис Қонун-

чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини жаҳон бозорига олиб чиқиш каби мақсад-вазифалар иқтисодчи сифатида партияга бўлган хайрихоҳлигини янада кучайтирди. Партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодимнинг кўрсатилиши бу борадаги саъй-ҳаракатларга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқини уйғотди.  
Нарғиза Шаюсупова 1969 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1990 йилда Тошкент халқ ҳўжалиги институтини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи. ЎзМТДП аъзоси. 1990-1993 йилларда Тошкент халқ ҳўжалиги институтининг товаршунослик ва савдонни ташкил этиш кафедрасида ассистент лавозимида фаолият олиб борди. 1993-1999 йилларда АТ "Ўзсаноат-қурилиш" банкида мутахассис бўлиб ишлади.  
1999 йилда Тошкент давлат иқтисодий университетининг кундузги бўлим аспирантурасига ўқишга кириб, 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Иқтисодий институтини қошидаги

тат сифатида у аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг муносабатларига муносиб жавоб беришга, муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратди.  
2010-2013 йилларда "Ўзсаноат-қурилишбанк" ОАТБ Бошқаруви раисининг маслаҳатчиси сифатида ишлади. 2013 йилдан "Ўзсаноат-қурилишбанк" АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.  
— Бугунги кунда мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётди, - дейди у. — Айниқса, оилавий тадбиркорлар, ишбилармон аёллар ва ёшларга банклардан имтиёзли кредитлар олиб, ўз фаолиятини йўлга қўйишлари учун қўлайликлар яратилаётгани эътиборга молик. Бу борада ЎзМТДПнинг "Банк кредитлари — хунармандларга" лойиҳасини янада кенгайтиришни ва шу орқали электоратимиз вакилларининг фаолиятини ривожлантиришга

катта ёшдагилар ва ёшларни баркамол ривожлантириш ассоциацияси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.  
— "IFFATI KELIN" нодавлат таълим муассасаси жойларда оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга хизмат қилаётди, - дейди у. — Бу ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларга муштарак.  
"IFFATI KELIN" нодавлат таълим муассасаси 2010-2014 йиллар давомида "Таълим ва мутахассислик" деб номланган халқаро кўргазмаларда Тошкент шаҳридаги энг яхши ўқув маркази деб тан олинган.  
Оилали, бир фарзанди бор.  
**Салиха Патхуллаевна Нигматова 129-Дўмбировод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

чилиқ палатасида ишлаш давомида партиянинг ана шу мақсад-муддolariга ҳамoҳoн рaвишдa қaтoр қoнун лoйиҳaлaрини ишлaб чикиш, мaрoмигa eткaзишдa фaол қaтнaшди. 8 тa қoнун лoйиҳaсини қoнун тaшaббyс-қoрлиғи ҳуқуқи асoсидa тaйёрлaди. "Музейлaр тўғрисида", "Археoлoгия мeрoсини муҳoфaзa қилиш вa улaрдaн фoйдaлaниш тўғрисида", "Архив иши тўғрисида"ги қoнунлaр aнa шу лaр жумлaсидaндир.  
Азамат Зиёв Вaтaн oлдидaғи хизмaтлaри учун "Шуқрат" мeдaли (1996 й.), "Дўстлик" oрдени (2003 й.) билaн тaқдирлaнган.  
Оилaли, тўрт фaрзaнднинг oтaси.  
**Азамат Зиёв Ҳамид ўғли 126-Темирйўлчилар сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

Ихтисoслaштирилгaн кeнғaшидa нoмзoдлик диссертациясини ҳимоя қилди.  
2001-2010 йиллардa Тошкeнт дaвлaт иқтисoдий университетининг мeҳнaт вa ижтимоий соҳa иқтисoдий кaфeдрaсидa дoцeнт, 2010 йилдaн бoшлaб ушбу кaфeдрaдa кaфeдрa мудири лaвoзимидa фaолият олиб бoрмoқдa.  
Нарғизa Шaюсупoвa ҳoзирдa мeҳнaт бoзoри ривожлaниш мyаммoлaригa бaғишлaнган докторлик диссертациясини устидa илмий изланишларини давом эттирмоқда. Унинг шу кунгa қaдaр 50 гa яқин илмий ишлaри чoп этилгaн. Хусусaн, 4 тa дaрслик (ҳaммуaллифликдa), иккитa мoнoгрaфия (ҳaммуaллифликдa), 8 тa ўқув қўллaнмa, бир қaтoр ўқув-услубий қўллaнмaлaр хaмдa йигирмaдaн oртиқ илмий мaқoлaлaри (шундaн 5 тaси хoриждa) чoп этилгaн.  
Оилaли, икки фaрзaнднинг oнaси.  
**Нарғиза Турғуновна Шаюсупова 127-Қораканай сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

тат сифатида у аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг муносабатларига муносиб жавоб беришга, муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратди.  
2010-2013 йилларда "Ўзсаноат-қурилишбанк" ОАТБ Бошқаруви раисининг маслаҳатчиси сифатида ишлади. 2013 йилдан "Ўзсаноат-қурилишбанк" АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.  
— Бугунги кунда мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётди, - дейди у. — Айниқса, оилавий тадбиркорлар, ишбилармон аёллар ва ёшларга банклардан имтиёзли кредитлар олиб, ўз фаолиятини йўлга қўйишлари учун қўлайликлар яратилаётгани эътиборга молик. Бу борада ЎзМТДПнинг "Банк кредитлари — хунармандларга" лойиҳасини янада кенгайтиришни ва шу орқали электоратимиз вакилларининг фаолиятини ривожлантиришга

катта ёшдагилар ва ёшларни баркамол ривожлантириш ассоциацияси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.  
— "IFFATI KELIN" нодавлат таълим муассасаси жойларда оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга хизмат қилаётди, - дейди у. — Бу ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларга муштарак.  
"IFFATI KELIN" нодавлат таълим муассасаси 2010-2014 йиллар давомида "Таълим ва мутахассислик" деб номланган халқаро кўргазмаларда Тошкент шаҳридаги энг яхши ўқув маркази деб тан олинган.  
Оилали, бир фарзанди бор.  
**Салиха Патхуллаевна Нигматова 129-Дўмбировод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Дилором Шалатишова Махамдалиева**  
1960 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1983 йилда ҳозирги Тошкент тиббиёт педиатрия институтини тамомлаган. Мутахассислиги — врач-педиатр. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси.

Дилором Махамдалиева 1983 йилдан Тошкент шаҳридаги 6-сон болалар бирлашган шифохонаси, 4 ҳамда 7-сон болалар поликлиникасида шифокор бўлиб ишлаган. 1993-1997 йилларда Яққасарой туман 3-

## Эл соғлиги йўлида

болалар поликлиникасида бош шифокор, 1997-2009 йиллар давомида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасида бош педиатр, бўлим бошлиғи, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бошқарув ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2011 йилдан шу кунга қадар “Умид гулшани” санаторияси МЧЖ директори вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

У мамлакатимизда амалга оширилган маънавий, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, “Соғлом авлод йили”, “Аёллар йили”, “Сиҳат-саломатлик йили”, “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” Давлат дастурлари ижроси юзасидан Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида амалга оширилган вазифаларни мувофиқлаштиришда унинг нуносиб ҳиссаси бор.

Дилором Махамдалиева Ўзбекистон Қасба уюшмалари федерацияси қошидаги Санатория-курортлар бошқармасига қарашли “Умид гулшани” санаториясида ҳуқуқатмиз томонидан соғлиқни сақлаш

соҳасида олиб борилаётган ислохотларни тарғиб қилиш ва ижросини таъминлашда фаол қатнашмоқда. У 2006 йили “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил” ҳамда 2011 йили “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил” кўрақ нишонлари билан тақдирланган.

— Агар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлансам, ЎзМТДП сайловолди Платформасидан келиб чиқиб, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган амалдаги қонунларни янада такомиллаштириш, янги қонун ҳужжатлари, хусусан, миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда репродуктив саломатлик масалаларини тартибга солуви қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича ўз тақлифларим билан чиқишни мақсад қилганман, - дейди у.

Оилали, икки фарзанди бор.  
**Дилором Шалатишова Махамдалиева** 130-Бодомзор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати раъзи бўлиб олинган.

## Инсон ҳуқуқлари — доимий ҳимояда



**Салима Умарова Ишанкулова**  
1957 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1982 йилда Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.

Салима Ишанкулова 1974-1976 йилларда Юнособод туман судида котиб, суд мажлиси котиби, 1976-1979 йилларда Шайхонтоҳур туман

судида суд мажлиси котиби бўлган. 1979-1983 йилларда Тошкент тиббиёт билим юрти ёшлар кўмитасининг бўлим мудир, Тошкент вилояти ёшлар кўмитасининг котиби, йўриқчиси, 1983-2001 йилларда Юнособод туман судининг раисини лавозимида суд мажлиси котиби, консултант, судьяси, 2001-2008 йилларда фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди судьяси, 2008-2009 йиллар фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси вазифаларида ишлаган. 2009 йилдан буён фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг раиси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Мамлакатимизда амалга оширилган демократик ислохотлар жараёнида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга устувор аҳамият қаратиб келинаётмир, - дейди Салима Ишанкулова. — Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида маъмурий судлов соҳасига яраштирув институтини киритишга кўмаклашиш мақсади илгари сурилган. ЎзМТДПнинг ушбу дастурий ва-

зифалари ҳамда фаолиятим давомида орттирган тажрибамдан келиб чиқиб, соҳага мазкур институтнинг самарали усулларини янада кенг-роқ жорий этишга қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Салима Ишанкулова суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги долзарб муаммолар юзасидан оммавий ахборот воситалари орқали фаол қатнашди. Уларда аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилаётгани бу борада олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиради.

Салима Ишанкулова 2011 йилда “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил” эсдалик нишони, 2013 йилда “Шўхрат” медали билан тақдирланган.

Оилали, уч фарзанднинг онаси.  
**Салима Умарова Ишанкулова** 134-Қўйлик сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати раъзи бўлиб олинган.



**Илҳом Зайирович Абдуллаев**  
1965 йилда Чарджоу шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. 1985 йилда Туркман давлат педагогика институтининг математика факультетини тамомлаган. Мутахассислиги — математика ўқитувчиси. Физика-математика фанлари номзоди, сиёсий фанлар доктори. ЎзМТДП аъзоси.

Илҳом Абдуллаев меҳнат фаолиятини 1987 йилда Тошкент шаҳридаги хунар-техника билим юртида математика ўқитувчиси сифатида бошлаган. 1989 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Математика институтида стажёр-тадқиқотчи, аспирант, кичик илмий ходим сифатида математик таҳлил йўна-

## Билим ва амалиёт уйғунлиги

лиши бўйича илмий иш билан шугулланган. 1994-2001 йилларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде катта илмий ходим, илмий бўлим бошлиғи, магистратура бўлими бошлиғи, илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари бўлган. 2001 йилдан 2003 йилгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармасининг макроиктисодиёт таҳлили ва прогнози бўлимида бош мутахассис сифатида фаолият кўрсатди.

У 2003-2010 йиллар давомида Тошкент ахборот технологиялари университетиде илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари, “Узинфоком” маркази директорининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг дастурий маҳсулотлар бозорини ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўлими бошлиғи, Ўзбекистон ахборот коммуникациялари корхона ва ташкилотлари Ассоциациясида ижрочи директор лавозимларида ишлаган.

Илҳом Абдуллаев 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган ва Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмита-

си раиси ўринбосари сифатида фаолият олиб бормоқда.

Ахборотлаштириш соҳасининг тажрибали мутахассиси бўлган Илҳом Абдуллаев депутатлик фаолияти давомида Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги, “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги каби қонунлоийҳаларини тайёрлашда фаол иштирок этди. Шунингдек, у электрон ҳуқуқат, электрон тижорат, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асосларини таъминлаш ва ушбу соҳага оид бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳи аъзоси.

Илҳом Абдуллаев 80 дан ортик илмий мақолалар муаллифи.

Оилали, икки фарзанднинг отаси.  
**Илҳом Зайирович Абдуллаев** 131-Астробод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати раъзи бўлиб олинган.

## Соғлом бола — юртнинг эртаси



**Мухайё Убаевна Асилова**  
1964 йилда Тошкент вилоятида туғилган. 1988 йилда ҳозирги Тошкент тиббиёт педиатрия институтини тамомлаган. Мутахассислиги — шифокор. Тиббиёт фанлари номзоди. ЎзМТДП аъзоси.

1964 йилда Тошкент вилоятида туғилган. 1988 йилда ҳозирги Тошкент тиббиёт педиатрия институтини тамомлаган. Мутахассислиги — шифокор. Тиббиёт фанлари номзоди. ЎзМТДП аъзоси.

2009 йилдан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий текшириш институти клиникаси бош шифокори лавозимида ишлаб келмоқда.

Сўнгги 3 йил давомида шифохона иш фаолиятида унинг бевоқиф раҳбарлигида ўткир ва сунрақ хасталиклари даволаш, замонавий усулларда ташхис қўйиш, янги тиббий асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. — Аҳоли саломатлигини асраш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, ҳаётимиздаги кўплаб тиббий-ижтимоий вазифаларни оқилона ҳал этиш барқарор тараққиётга эриштиришнинг муҳим омилдир, - дейди у. — Юртимизда мустақиллик йилларида бу масалаларга давлат сиёсати даражасида устувор аҳамият қаратилаётгани ўз самарадорини бермоқда.

Унинг 54 дан ортик илмий мақола, тезис, методик қўлланмалари, шу жумладан 5 та илмий

мақоласи хорижий давлатларда чоп этилган, илмий конференцияларда ўзининг маърузалари билан қатнашган. Европа ва Осиё гепатологлар Ассоциацияси конференцияларида фаол қатнашиб келмоқда. Ҳозирда докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида.

Мухайё Асилванинг меҳнат фаолияти ва илмий изланишлари Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси мақсад-вазифалари билан муштарак. Инчунин, партия ҳам ёш авлод вакилларини жисмонан соғлом, маънан баркамол қилиб тарбиялаш масаласини ўзининг устувор вазифаларидан, деб билади.

Оилали, бир фарзанднинг онаси.

**Мухайё Убаевна Асилова** 135-Шайхонтоҳур сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати раъзи бўлиб олинган.

### Халқаро танлов

# Дунё опера санъатининг бетакрор навоси

юртимиз саҳнасида жаранглади

*Тошкент яна бир халқаро миқёсдаги - “Competizione dell’ Opera” италян операси ёш ижрочиларининг XIV халқаро танловига мезбонлик қилди. Ушбу танловни рамзий маънода опера ижрочилари олимпиадасига қўйиш мумкин. Чунки бу йилги танловда Пекин, Москва, Санкт-Петербург, Лейпциг, Дрезден, Сеул, Будапешт, Буэнос-Айрес, Бонн, Вена каби шаҳарларда ўтказилган саралаш босқичларида ғолиб бўлган ўлтмизга яқин хорижлик хонанда иштирок этди. Уларнинг сафини Марказий Осиё минтақасидаги танловда ғолиб бўлган ёшлар тўлдирди. Бир сўз билан айтганда, пойтахтимизда дунёнинг беш қитъасидан келган истеъдодли опера хонандалари жам бўлди.*

Халқаро ҳайъат аъзоларининг таъкидлашича, бу йилги нуфузли халқаро танлов юксак савияда ташкил этилгани ва унда кўплаб иқтидорли ёш опера ижрочилари қатнашгани билан ажралиб турди. Таъкидлаш жоизки, мазкур нуфузли танловнинг мамлакатимизда ўтказилгани бежиз эмас, албатта. Юртимизда санъатни ривожлантириш давлат сиёсати даражасида кўтарилган, санъат аҳли юксак кадрланади. Ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, жаҳон мусиқа санъатининг ноҳир намуналарини ўқиб-ўрганишлари борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори бу борада янги уфқларни очди. Унга мувофиқ, республикамизнинг барча ҳудудларида замонавий болалар мусиқа ва санъат мактаблари бунёд этилиб, истеъдодли ёшлар нафақат миллий мумтоз, балки жаҳон санъат анъаналарини пухта ўзлаштириб боришаётир.

“Competizione dell’ Opera” халқаро танлови бадиий раҳбари ва директори, германиялик профессор ва режиссёр Ганс-Йоахим Фрай бу ҳақда шундай дейди: — Халқингиз кўп асрлик бой тарих, санъат ва маданиятга эга. Юртингизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида ёшларингиз ана шундай улкан маънавий бойлик билан бир қаторида, дунё санъати намуналарини ҳам чуқур ўзлаштириб борилаётгани қувонарлидир. Мен ушбу танлов доирасида ўзбекистонлик ўғил-қизларнинг ноёб иқтидоридан беҳад мамнун бўлдим. Бу эса юртингизда санъат ва маданиятга катта эътибор қаратилаётганидан яққол далolat беради.

Бир неча кун давом этган халқаро танловда юртимиз вакилидан ташқари Австрия, Германия, Венгрия, Словакия, Қозғистон, Жанубий Африка Республикаси каби ўнга яқин давлатдан келган 60 дан зиёд ижрочи ўзаро ижодий беллашди.

Саралаш баҳслари якунларида 20 нафар хонанда финал босқичида иштирок этиш учун танлаб олинди. Уларнинг беш нафари — Ўзбекистон давлат консер-

ваторияси талабаси Фулом Назиров, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри хонандалари Рустам Алимардонов, Жаброил Идрисов, Барно Исмаиловлар ва ушбу театр стажёри Дамир Раҳмонов юртимиз вакиллари экани, барчамизга ғурур бағишлади.

Қизгин тарзда ўтган финал босқичида ғолиблар яширин овоз бериш йўли билан аниқланди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, юрдошимиз Барно Исмаиловлар танлов ғолиби деб топилди. Беларусь Республикаси вакили Павел Петров иккинчи ўринга, россиялик Мария Баянчикина ва ўзбекистонлик Жаброил Идрисов эса учинчи ўринга сазовор бўлди.

— Бу муваффақиятим, авваламбор, Президентимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ҳамхўрлиги мевасидир, - дейди халқаро танлов ғолиби Барно Исмаиловлар. — Ушбу юксак эътироф нафақат менга, балки мамлакатимиздаги барча опера санъати намояндалари ва илхомандларига берилган баҳодир.

— “Competizione dell’ Opera” италян операси ёш ижрочиларининг XIV халқаро танловида иштирок этганимдан бахтиёрман, - дейди россиялик ижрочи, халқаро танловнинг учинчи ўрин соҳибаси Мария Баянчикина. — Ўзимнинг барча имкониятларини гўзал шахрингизда тўлиқ намойиш эта олдим, деб ўйлайман. Чунки юртингиз ва унинг санъатсевар халқи менга катта куч ва илҳом бағишлади. Уларнинг бизга нисбатан бўлган меҳр ва эҳтиромини кўриб, қалбимда чексиз миннатдорлик туйғулари уйғонди.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,** “Milliy tiklanish” муҳбири

## Билимдон ёшлар — юрт келажаги



**Умида Лутфуллаева Каримова**  
1973 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1997 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — филолог. ЎзМТДП аъзоси. Умида Каримова 1990 йилдан 2010

йилга қадар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида муҳаррир, катта муҳаррир вазифаларида фаолият кўрсатган. 2000 йилдан 2011 йилга қадар “Истикбол авлод” ёшлар ахборот марказида жамоатчилик асосида фаолият юритган. 2012 йилдан шу кунга қадар “Умид кучи” ижтимоий маркази директори вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

1998 йилдан бошлаб “Ёшлар” радиоканалининг “Аср” ахборот-таҳлил муҳаррирлигида катта муҳаррир лавозимида фаолият юритар экан, тингловчиларга мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид хабар ва лавҳаларни тезкорлик билан етказиш билан бир қаторда ўзининг “Мувоозанат”, “Ўзбекистон қанотлари” муаллифлик дастурлари билан ҳам тингловчилар эътиборига тўшди.

Жамоат ишларига бўлган қизиқиши уни 2000 йилда “Истикбол авлод” ёшлар ахборот-маърифат марказига етаклаб келди. Бу ердаги фаолияти давомида у аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида юздан зиёд турли мавзулардаги учра-


шув, семинар-тренинг, конференция ва акциялар ташкил этди.

— Сайловчилар билан учрашувларда партияимиз Платформасида белгиланган мамлакатда оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга ҳамхўрликни ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга кўмаклашиш каби масалалар хусусида алоҳида тўхталмоқдаман, - дейди Умида Каримова.

Умида Каримова 2011 йилдан бошлаб Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар Яққасарой тумани Кенгаши Ижроия Кўмитасининг “Аёллар қаноти”га жамоатчилик асосида раҳбарлик қилмоқда.

Оилали, икки фарзанднинг онаси.  
**Умида Лутфуллаева Каримова** 132-Тўқимачи сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати раъзи бўлиб олинган.

## Тадбиркорлик — фаровонлик омили



**Наврўзжон Раимджанович Алимов**  
1977 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат иқтисодиёт

университетини (1998 й.) тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи. ЎзМТДП аъзоси.

Наврўзжон Алимов 1999 йилдан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки тизимида турли лавозимларда ишлади. Ҳозирда мазкур банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

— “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамғаси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасига киритилган иқтисодий соҳадаги муҳим вазифалардан ҳисобланади, - дейди Наврўзжон Алимов.

Наврўзжон Алимов масаланинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда бор билим ва маҳоратини ана шу ишга сафарбар этмоқда. Банк фаолиятини ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлантиришга эътибор қаратаётган раҳбар. Тадбиркорларга, хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ҳар томонлама кўмак бериб келаётир. 2004 йили у “Ўзбекистон Республикаси инвестиция бозорида тижорат банкларининг роли” мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олди. У “Ватан туйғуси ҳар нарсадан устун!” шioriга амал қилади.

Оилали, икки фарзанднинг отаси.  
**Наврўзжон Раимджанович Алимов** 133-Кўкча сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати раъзи бўлиб олинган.

© Банк хизмати



## “Асака” банк

мижозларга ишончли ҳамкор

Истиқлолнинг ilk йилларида ноқ юртимизда банк тизimini такомиллаштириш, молия муассасаларининг миждоз билан ишлаш жараёнини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришни модернизацiялаш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар бугун ўз самарасини бераётир. Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги даражаси яхшиланмоқда.



Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида банк ишини янада такомиллаштириш, молия муассасаларини ишлаб чиқариш тармоқларини қўллаб-қувватлашга жалб этиш бугуннинг долзарб вазифарларидан биридир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган банк тизimini ислох қилиш ва эркинлаштириш, унинг мамлакат пул-кредит сисъатидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар ҳам бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Қолаверса, аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш натижасида тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш имконияти туғилди. Тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва фаолиятини кучайтириш, инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш, ресурс базаларини мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини яхшилаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган амалий ишлар қутилган самараларни бермоқда.

“Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки Андижон вилоят филиали миждозларга барча турдаги банк хизматлари, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби хизматларни кўрсатиш қўймоқда. Аҳоли ва юридик шахолардан жалб этилган маблағлар иқтисодиётнинг реал секторига самарали равишда йўналтирилиб, омонатчи, миждоз ва акциядорлар

манфаатларига мос равишда кўпайтириб борилмоқда. Бунда “Миждоз банк учун эмас, банк миждоз учун”, деган тамойилга амал қилинмоқда. Филиал томонидан ҳўжалик, корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини тезлаштириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, бу борадаги Президентимиз қарор ва фармонларининг ижросини таъминлаш изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда хорижий кредит линиялари ўзлаштирилишини мувофиқлаштириш ишлари ҳам тобора ривожлантирилмоқда. Мамлакатимизда янги мулкдорлар синфи жадал шаклланиб, кичик ва хусусий корхоналар, тадбиркорлик билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслар тобора кўпайиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Уларнинг оёққа туриб олиши ва янада ривожланиши учун бошланғич капитал муҳим ўрин тутди. Президентимиз томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

2014 йилнинг 9 оии давомида Андижон вилоят банк филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 49.552,9 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида 446 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, банк томонидан Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги “Ноозик-овқат товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан 23 020,2 миллион ҳамда

“Озиқ-овқат товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан 3.385 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Банк вилоятимиз бўйлаб тадбиркорлик субъектлари иштирокида семинар ҳамда давра суҳбатлари ўтказишни доимий равишда йўлга қўйган. Жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида туман, қишлоқ ва маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик, касаначилик, соҳага оид ислохотлар юзасидан учрашув, давра суҳбатлари, турли семинар-тренинглар ташкил этилмоқда. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида асосан филиал томонидан маҳаллаларда оилавий бизнесни йўлга қўйишга қўмаклашиш, касаначилик билан шугулланётган хотин-қизларга қўшимча шарт-шароит ва имтиёзлар яратиш, мақсадида 4 586,6 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини ривожлантириш учун филиал томонидан ажратилган кредитлар 3 487,4 миллион сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги “Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси” ҳақидаги қарори асосида Андижон шаҳрида фаолият кўрсатаётган “POYAFZAL INVEST” МЧЖга трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш дастгоҳлари сотиб олиш мақсадида 3 йил муддатга 180,0 миллион сўмлик кредит маблағи ажратилди. Натижада жамиятда 25 та янги иш ўрни яра-

тилди. Уларнинг 3 нафари коллеж битирувчиси.

Бундан ташқари, Андижон вилоят Улуғнор туманида жойлашган “ULUGNOR INVEST TEKS” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасига трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун айланма маблағларни тўлдириш мақсадида 600 миллион сўм кредит маблағи берилди. Ушбу корхона томонидан 2014 йил давомида хорижга 321,8 минг АҚШ доллари миқдорда тайёр трикотаж маҳсулотлари экспорт қилинди.

Банк жорий “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш борасида ҳам кизгин фаолият олиб бормоқда. Хусусан, иш билан бандлик даражасини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, оилаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда аёлларни иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларнинг иқтидорини тўла намоён этиши ҳамда уй-рўзгор ишларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий маиший шароитлар яратиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш асосий йўналишлардан ҳисобланади.

Муҳтасар айтганда, “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки Андижон вилоят филиали жамоаси халқимизнинг фаровон яшаши учун муносиб турмуш шароитини яратиш, миждозлар талабини қондириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида янги имкониятлар яратишни мақсад қилган. Юртимиз молия-банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг фаол ижросини сифатидаги саъй-ҳаракатларимиз аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, Президентимизнинг қарори асосида белгилаб берилган вазифарларнинг бекамму кўст амалга оширилиши нафақат қишлоқларимизнинг обод бўлишига, балки халқимизнинг турмуш шароити янада яхшиланишига, ҳаёти бугунгидан-да фаровон бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Зафар ПАРПИЕВ,**  
“Асака” давлат акциядорлик тижорат банки Андижон вилоят филиали бошқарувчиси,  
14-Марҳамат сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод



## “АСАКА” БАНК АНДИЖОН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча юртодошларимизни

Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси қабул қилинган куннинг

22 йиллиги

билан қутлайди.

Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон ва обод бўлсин.

● БАЙРАМ МУБОРАК!



### “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АК жамоаси

Сиз азиз ватандошларимизни инсонпарварлик ва адолат тимсоли бўлган

## КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУННИНГ 22 ЙИЛЛИГИ

билан чин қалбдан табриклайди.

2015 йил учун барча вақтли матубот нашрларига обуна давом этмоқда.

### “ТОШКЕНТ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

8 декабрь – Конституциямиз қабул қилинган кун

билан муборакбод этиб, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига сизат-саломатлик тилайди.

Эл-юрт равнақи йўлидаги фаолиятингизда барчангизга улкан муваффақият ёр бўлсин!

## ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!

# “YUGGAZSTROY” OAJ

## ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини  
улуғ байрам –

**Конституция куни**

билан чин дилдан  
қутлайди.

Демократик ислохотларни  
янада чуқурлаштириш ва  
фуқаролик жамиятини  
ривожлантириш йўлида  
дадил одимлаётган  
мамлакатимиз истиқболи  
порлоқ бўлсин!



ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

**“АСАКА” банк жамоаси**

Сизларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллиги байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

**“КОНСТИТУЦИЯ-2014”**

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда 90 дан ортиқ омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-49-93	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-93	Сурхондарё вилоят филиали	376	224-00-16
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-18-61	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

**“Асака” банк - сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАҲБИДДИНОВ, Мухаммадjon ҚУРОНОВ, Фахружон МУҲАМЕДОВ, Уллубек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САҲОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмаил ХУДОЕВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Бекзод НОРБОВ

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия хавфи бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 8 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2 «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

ТУРФА ОЛАМ

Янги мослама

Америкалик ихтирочилар томонидан компьютер “сичқонча”си ўрнини босувчи янги мослама яратилди.

Цилиндр шаклидаги, жойидан кўзгалмайди-ган манипулятор хоккей шайбасидан сал кичикроқ ҳажмга эга. Унинг диаметри 70, баландлиги 15 миллиметрга тенг. Flow деб номланувчи “сичқонча” айланувчи гардишдан иборат бўлиб, юза қисмидаги сенсорга бармоқ теккизиш ёки босиш орқали бошқарилади. Манипулятордаги ёруғлик датчиги ва инфрақизил сенсорлар бармоқни теккизмасдан туриб ҳам бошқариш имконини беради. Мослама компьютерга Bluetooth орқали уланади. Унга жойланган аккумулятор заряди тўрт ойга етади. Айни пайтда Flow OS X билангина ишлаш олади. Бироқ, тез орада iOS, Android ва Windows учун ҳам мослаштирилиши кутилмоқда.



Йўл устидаги асар

Нидерландияда машҳур rassom Ван Гог таваллудининг 125 йиллигига атаб антиқа велосипед йўли қурилди.

Маҳаллий rassom ва дизайнерлар йўлни қуришда ёнар тошлардан фойдаланишган. Ҳар бир тош мозаика усулида териб чиқилган бўлиб, унда Ван Гогнинг “Юлдузли тун” асари тўла-тўқис акс эттирилган. Бир километрлик велосипед йўлини ётқизиш учун rassomларга 50 мингдан ортиқ ёнар тош керак бўлди. Ёнар тошларга махсус кўёш батареялари ўрнатилгани боис, йўл устидаги асар тун қоронғусида ўзгача мафтункор кўринади. Тош асар светодиод чироқларга ҳам эга. Шу боис, уни ёмғирли кунларда бемалол томоша қилиш мумкин. “Юлдузли тун” велосипед йўли мамлакатнинг Брабант, яъни Ван Гог туғилиб ўсган ҳудудида жойлашган.



З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г 1225, Адади — 8031. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда. **Навбатчи муҳаррир:** Зафар МУҲАММАД **Навбатчи:** Умида УЗОҚОВА **Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ **Электрон почта:** e-mail: mtiklanish@mail.ru Босишга топшириш вақти — 21.30. Топширилди — 1.50. ISSN 2010-7714